Тошкент ҳақиқати

1928 йил 11 декабрдан чиқа бошлаган

№ 99 (10.348).

1992 йил 30 июнь сешанба

Баҳоси 2 сўм.

Вилоят ижтимоий–сиёсий газетаси

МУҲАММАД НАВОЗ ШАРИФ ЎЗБЕКИСТОНДА

Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф раҳбарлигидаги шу мамлакат расмий делегацияси 27 июнь куни Ўзбекистонга ташриф буюрди. Икки мустақил давлат байроғи кўтарилган Тошкент аэропортида муҳтарам меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кутиб олди.

Шу ернинг ўзида журналистлар билан қисқача суҳбат бўлиб ўтди.

— Биз,— деди Ислом Каримов,— кўпдан бери бир-биримизни танимиз. Азалдан Покистон билан Ўзбекистон халқи, умуман, Туркистон тупроғида яшайдиган халқлар яқин алоқаларни ўрнатишга ҳаракат қилишган. Бунга ота-боболаримизнинг қадимдан ўзаро бордикелдилари мисол бўлади. Ана шу яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш ниятидамиз.

Покистон Ислом Республикасининг Бош вазири Навоз Шариф жаноби олийлари икки мамлакат раҳбарларининг учрашуви самарали бўлишига умид билдирди. У Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон мустақиллиги йўлида олиб бораётган сиёсати таҳсинга сазовордир деди. Биз унинг жумҳуриятингиз иқтисодиётини ривожлантириш, қўшни мамлакатлар билан тинч-тотув яшаш, ота-боболар удумларини тиклаш борасида қилаётган ишларидан мамнунмиз. Покистон билан Ўзбекистон ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш учун бу ерга келдик. Мен шахсан Ўзбекистонга ташриф буюрганимдан, делегациямиз аъзолари дўстона кутиб олинганидан беҳад мамнунман.

Меҳмонларни тантанали кутиб олиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, Ташқи ишлар вазири У. Абдураззоқов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков ҳамда Покистоннинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Шафқат Али Шайх жаноблари ҳозир бўлдилар.

Шундан сўнг меҳмонлар Тошкент яқинидаги «Дўрмон» қароргоҳига йўл олдилар.

Шу куни тушдан кейин «Дўрмон» қароргоҳида Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф жаноби олийларига тантанали вазиятда совғалар топшириш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбек халқининг анъанасига кўра олий мартабали меҳмонга зарбоф тўн кийдирди. Покистон Бош вазирига, шунингдек унинг сурати акс эттирилган кўза, ўзбек халқининг буюк шоири ва мутафаккири Алишер Навоий сиймоси туширилган гилам ва бошқа туҳфалар ҳадя этилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Шундан кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф билан юзма-юз суҳбатлашди.

* * *

Шу куни Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислом Республикаси ўртасида давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик принциплари тўғрисида шартнома имзоланди.

Шартномани Ўзбекистон Республикаси номидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Покистон Ислом Республикаси номидан шу жумҳуриятнинг Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф имзоладилар.


Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси ҳукумати ўртасида иқтисодий ва савдо ҳамкорлиги тўғрисида битим имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси ҳукумати ўртасида маданият, соғлиқни сақлаш, фан, техника, кадрлар тайёрлаш, туризм, спорт ва оммавий ахборот соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимга ҳам қўл қўйилди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимида Ислом Каримов ва Муҳаммад Навоз Шариф нутқ сўзладилар.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат котиби Р. Ражабов ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

(Давоми 2-бетда).





Суратларда: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф билан учрашув пайти.

●

Тошкентда Покистон Ислом Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси очилди.

Р. Жуманиёзов, Р. Шагаев ва В. Миленький олган суратлар.

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессияси 1992 йил 2 июль соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари эртага, 1 июль куни эрта билан соат 10 дан то кеч 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Мажлислар зали фойесида рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ГУРУҲЛАРИ ВАКИЛЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳридан бўлмиш халқ депутатлари гуруҳлари вакилларининг кенгаши 1 июль куни соат 17 да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг кичик мажлислар залида бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИДА

26 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раёсатининг мажлиси бўлди. Мажлисда бўлғуси сессияга тайёргарлик ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Олий кенгаш раисининг ўринбосари, ишчи гуруҳ раҳбари Б. Бугровнинг жойларда қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш чоғида халқ депутатлари билдирган таклиф ва мулоҳазалар тўғрисидаги, шунингдек сессия ишини ташкил этишга доир ахбороти тингланди. Раёсат Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг депутатлик гуруҳлари томонидан билдирилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда қўшимча равишда ишлаб чиқилган ва ишчи гуруҳ томонидан таклиф этилган кун тартибини маъқул деб топди. Уни 1 июль куни соат 17.00 да ўтказиладиган халқ депутатлари вакилларининг кенгаши муҳокамасига киритишга, сессия ишини эса 2 июль куни соат 10.00 да бошлашга қарор қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов сўзга чиқди. Раёсат ишида Республика Бош вазири А. Муталов иштирок этди.

Ўзбекистон — Туркия:

АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК

Туркиянинг энг катта шаҳри Истанбулда жаҳон иқтисодий анжуманининг кенгаши очилди, кенгаш 1 июлгача давом этади. Шу муносабат билан газетхонлар эътиборига Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликка доир материални тавсия этамиз.

Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик тобора аниқ-равшан йўлга тушиб бормоқда. Икки давлатнинг ишбилармон кишилари ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш муддаоси ҳақидаги умумий ваъдалар ва баёнотлардан амалий ишга ўтмоқдалар. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг ўтган йили декабрда Туркияга қилган ташрифи вақтида бу ҳамкорликнинг равшан истиқболлари белгиланган эди. Ўша пайтда эришилган аҳдлашувлар ҳукуматлараро битимларда мустаҳкамлаб берилди, сўнгра эса Туркия Бош вазири С. Демирэл шу йил апрелда республикамизга қилган ташрифи вақтида тасдиқланди.

Туркия иқтисодиётининг турли-туман тармоқларига мансуб тадбиркорларнинг катта-катта гуруҳлари ташриф буюриши одат тусига кирди. Шу йил бошланганидан буён Туркиядаги СНГ—Дейк ишбилармонлар кенгашларининг, мустақил ишбилармонлар «Мосиад» уюшмасининг, Туркия—Америка тадбиркорлари уюшмасининг делегациялари Ўзбекистонга келиб кетишди. Туркиялик йирик ва ўрта ишбилармонлар республикамизга тез-тез ташриф буюрадиган бўлиб қолишди. Ўзбекистон ташқи савдо ташкилотларининг вакиллари, республика ишбилармонлари ҳам дўст мамлакатга тез-тез амалий ташриф буюрмоқдалар.

ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқа вазирлиги «Интералоқа» ташқи иқтисодий бирлашмаси бош директорининг ўринбосари Ш. А. Тўрахоновга учраб, Туркия билан савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг ҳолати, уни ривожлантириш истиқболлари ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

— Ҳозир бу муносабатлар қарор топиш босқичида турибди, — деди у, — Бир-биримизнинг имкониятларимизни, бозорларимизни, мамлакатларимиз ўзаро айирбош қилиши мумкин бўлган молларни ўрганаяпмиз. Қурилиш, мева-сабзавот хом ашёсини қайта ишлаш, банк тизими, алоқа йўлларини ривожлантириш ва бошқа турли соҳалардаги ҳамкорлик масалалари синчиклаб кўздан кечирилмоқда. Бу иш яқиндагина бошланганига қарамай, ҳозиргинг ўзидаёқ аниқ натижалар ҳақида гапирса бўлади.

Масалан, Ўзбекистон бинокорлик материаллари саноати вазирлиги «Темса-сабанчи» фирмаси билан бизда цемент ва сода ишлаб чиқарадиган иккита заводни қуриб битказиш ҳақида бир битимга келди. Шу заводлар негизида қўшма корхона барпо этиш мўлжалланмоқда. Ҳозир қурилиш материаллари етишмай турган бир пайтда ва корхоналар кўпгина муаммоларни ҳал этишга кўмаклашади. Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети Туркиядаги «Акренал» фирмаси билан биргаликда Ўзбекистоннинг қўриқ зонасида пахтани қайта ишлайдиган корхоналар, меҳмонхоналар барпо қилишни биргаликда олиб боришни, йўллар қуришни назарда тутади. Главташкентстрой «Турк юксель» фирмаси билан Тошкентда халқаро классдаги меҳмонхона қуриш тўғрисида келишиб олди. «Узплодоовощвинпром» концерни билан «Куцинелли элматас» фирмаси мева, сабзавот, узум, қовун-тарвузни қайта ишлайдиган қўшма корхона очишни назарда тутадилар. Мазкур қўшма корхоналар жумладан, қуюқ томат, қуюлтирилган узум ва олма шарбати, қоқ мева, мева-сабзавот консервалар ишлаб чиқаришга ихтисослашади.

Ўзбекистон деҳқончилик банки билан Туркия зироат банки ўртасида дастлабки жамғармаси уч миллион АҚШ доллари миқдорида бўлган қўшма банк очиш ҳақидаги битими республика учун катта аҳамиятга эга бўлади. Айни вақтда зироат банки тизимида бизнинг молиячиларимизга таълим бериш имконияти ҳақида гаплашиб олинди.

Бўлиб ўтган учрашув ва музокаралар чоғида Туркия тадбиркорлари билан Ўзбекистон ишбилармонлари иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликнинг батафсил дастури ишлаб чиқилди.

— Шуҳрат ака, яқин келажакда ҳам, олис истиқболда ҳам Туркия томони билан бўладиган ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ҳақида нима дея оласиз?

— Бу режалар кенг ва кўп қирралидир. Бу мамлакат билан ҳамкорлик бир қанча соҳалар бўйича — иқтисодиёт ва савдо-сотиқ, Ўзбекистон билан Туркиянинг ташқи иқтисодий алоқаларига банк орқали хизмат қилиш тизимини мувофиқлаштириш, алоқа йўллари соҳасида, шунингдек маданият, фан, маориф, соғлиқни сақлаш ва саёҳатчилик соҳасида ривожланиб бораверади.

Туркиянинг савдо-саноат доиралари билан ҳал этишимиз лозим бўлган биринчи галдаги вазифаларнинг ҳаммасини санаб чиқиб бўлмайди, шу сабабли улардан баъзиларигагина тўхталиб ўтмоқчиман.

Ҳозир бозор иқтисодиётининг туркча андозасини ўрганадиган мўътабар мутахассислар гуруҳини тузиш мўлжалланмоқда. Туркиянинг Деик ташқи иқтисодий алоқа ташкилоти билан Ўзбекистон —Туркия амалий ҳамкорлик қўмитасини барпо этиш ҳақида битим тузиш назарда тутилмоқда. Корхоналарни хусусийлаштириш ва давлат қарамоғидан чиқариш бўйича қўшма комиссия тузиш, экспорт-импорт операциялари учун мол ресурсларининг рўйхатини белгилаш, қўшма майда ва ўрта корхоналарни, фермер хўжаликлари ва кооперативларни барпо этиш дастурини ишлаб чиқиш лозим. Бундан ташқари Измирдаги халқаро ёйма савдода Ўзбекистон моллари ва хизмат турларининг доимий фаол экспозициясини уюштириш мўлжалланмоқда.

Молиявий соҳада аралаш сармояли бир қанча банкларни ташкил қилиш, Тошкент, Анқара, Истанбулда банкларнинг ваколатхоналарини очиш белгиланди. Барча алоқа турлари бўйича икки томонлама битимлар бўлиши савдо-сотиқ алоқаларини ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлади.

Умуман биз Ўзбекистон — Туркия савдо-иқтисодий муносабатларининг келажагига умид билан қараймиз.

В. ПРУГЕР,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

1992 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН НАФАҚАЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ҲАМДА БЮДЖЕТ ҲИСОБИДАГИ МУАССАСАЛАР ХОДИМЛАРИНИНГ ИШ ҲАҚИ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Истеъмол моллари ва хизматларга нархлар ошиб бораётган шароитда Республика аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида:

1. Ўқитувчилар, тарбиячиларнинг, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари муаллимларининг, профессор-ўқитувчилар таркибининг, шифокорлар, илмий ходимларнинг иш ҳақи 1,8 баравар, бюджет ҳисобидаги бошқа ташкилотлар ва муассасалар ходимларининг иш ҳақи —1,5 баравар оширилсин.

2. Иш ҳақини ошириш билан боғлиқ қўшимча ҳаражатларнинг 25 фоизи бюджетдаги муассасалар ва ташкилотлар сметалари бўйича умумий сарф-ҳаражатларни қисқартириш ҳисобига таъминлансин.

3. Олий ўқув юртлари талабаларининг, аспирантларнинг, докторантларнинг стипендиялари, кийим-бош ва овқат билан таъминланмайдиган ҳунар-техника билим юртлари ҳамда техникумлар ўқувчиларининг стипендиялари 1,5 баравар кўпайтирилсин. Имтиёзли овқатланиш учун ҳар ойлик қўшимча тўловларнинг аввалги миқдорлари ҳамда талабаларнинг ошхоналари ва буфетларида тушлик овқатларнинг қийматидан 50 фоизли чегирмалар сақлаб қолинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш ҳақи ва меҳнат нафақасининг энг оз миқдори ойига 1000 сўм қилиб белгилансин.

1992 йилнинг 1 октябридан бошлаб фуқаролар иш стажининг оз-кўплигига ва хизматларига қараб меҳнат нафақаларининг табақалаштирилган миқдорлари жорий этилиб, бунда мазкур фармонда белгиланган энг оз миқдор асос қилиб олинсин.

5. Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари ва ногиронларига энг оз миқдори 1300 сўм бўлишидан келиб чиқиб нафақалар миқдори белгилансин, бунда Улуғ Ватан уруши III гуруҳ ногиронлари нафақаларининг миқдори энг оз иш ҳақи даражасига етказилсин.

6. Фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромадларининг энг паст даражаси ойига 1000 сўм миқдорида белгилансин.

7. Аҳоли даромадларининг даражасини тўғрилаб олиш мақсадида ойига 5000 сўмгача бўлган иш ҳақидан даромад солиғи миқдорларини камайтириш зарур деб ҳисоблансин ва ойига 5000 сўмдан ошадиган иш ҳақидан олинадиган даромад солиғининг тегишли миқдорда оширилиши жорий қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан даромад солиғи олиш тўғрисидаги қонунни ўзгартириш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгашига таклифлар киритсин.

8. Республика вазирликлари, идоралари, уюшмалари, концерилари, корхоналари ва хўжаликлари меҳнат унумдорлигини ўстириш ва ишлаб чиқаришнинг (ишлар ва хизматлар) ҳажмларини ошириш ҳисобига ушбу фармонда белгиланган минимумни эътиборга олган ҳолда ишловчиларнинг маоши янада оширилишини таъминласинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси ушбу Фармонни рўёбга чиқаришга оид ташкилий чора-тадбирларни кўзда тутувчи қарор қабул қилсин.

10. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги бир ой муддат ичида амалдаги қонунларни мазкур фармонга мувофиқ ҳолга келтириш тўғрисидаги таклифларни тайёрласин.

11. Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 27 июнь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига шарҳ

Мазкур фармон шу йилнинг ўзидагина нафақахўрлар, талабалар, ўқитувчилар, шифокорлар, илмий ходимларнинг ва даромадлари белгилаб қўйилган бошқа касблар вакилларининг моддий аҳволини яхшилаш юзасидан қабул қилинган учинчи тадбирдир.

Масалан, шу йилнинг 1 июлидан жорий этиладиган нафақаларнинг ўртача ойлик миқдори 1991 йилнинг декабридагига нисбатан 6 баробардан кўпроқ ошади (ойига 190 сўмдан 1200 сўмгача етади), маориф ходимларининг ўртача иш ҳақи ойига 390 сўмдан 2300 сўмгача, соғлиқни сақлаш ходимларининг ўртача иш ҳақи эса ойига 340 сўмдан 1900 сўмгача етади. Бунда ўқитувчининг ўртача ойлик иш ҳақи 460 сўмдан 2900 сўмгача, шифокорнинг маоши эса 490 сўмдан 3000 сўмгача кўпаяди.

Фармонда ўқитувчилар, тарбиячилар, шифокорлар, муаллимлар, илмий ходимларнинг иш ҳақини 1,8 баробар, бюджет ҳисобидаги бошқа муассасалар ходимларининг иш ҳақини 1,5 баробар ошириш кўзда тутилади. Бу — ўқитувчи, шифокор, илмий ходимнинг ижтимоий аҳамиятига юксак баҳо берилгани ифодасидир. Шу йилнинг 1 июлидан юқорида кўрсатилган тоифадаги ходимларга мансуб 1,9 миллиондан кўпроқ кишининг ўртача ойлик иш ҳақи оширилади.

Бунинг учун йил охиригача чамаси 12 миллиард сўм маблағ керак бўлади, шулардан 9 миллиард сўми бюджетдан ажратилади, 3 миллиард сўмни эса бюджетдаги ташкилотларнинг ўзлари смета бўйича умумий ҳаражатларни қисқартириш ҳисобига излаб топишлари керак.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида республикамиз ижтимоий соҳаси ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақи МДҲдаги бошқа давлатларда таркиб топган даражадан анча ошади. Ўқитувчи ва шифокорнинг ўртача иш ҳақи ҳозирги вақтда амал қилаётганига нисбатан ойига 1300 сўм ёки 1,8 баробар кўпаяди. Олинган маълумотларга кўра, ўқитувчи ва шифокорнинг даромадлари бошқа минтақаларга қараганда ўрта ҳисобда 1,6 баравар юқори бўлади, буни қуйидаги маълумотлардан ҳам кўриш мумкин.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги мамлакатларда ўқитувчи ва шифокорнинг 1992 йилдаги ўртача ойлик маоши (сўм ҳисобида)

	ўртача маош	
	ўқитувчи	шифокор
Қозоғистон 1.05.92 йилдан	1575	1782
Тожикистон «—»	1500	1700
Беларусь «—»	2152	1950
Қирғизистон 1.06.92 йилдан	1400	1300
Туркманистон 1.07.92 йилдан	2200	2400
Ўзбекистон 1.07.92 йилдан	2861	2998

(Молия идораларининг тезкор маълумотлари асосида келтирилди).

Фармонда кўзда тутилган тадбирлар амалда республика барча аҳолисининг манфаатларига даҳл қилади. Энг кам иш ҳақи ва меҳнат нафақасининг миқдорлари ойига 550 сўмдан 1000 сўмгача оширилди, 1 октябрдан бошлаб эса фуқаролар иш стажининг оз-кўплигига ва хизматларига қараб нафақаларни табақалаштирилган тарзда ошириш кўзда тутилган, бунда белгиланган энг оз миқдордаги нафақалар асос қилиб олинади. Натижада, ишламаётган 2 миллион 300 мингдан кўпроқ нафақахўрнинг нафақаси ойига ўрта ҳисобда 600 сўмдан зиёд оширилади.

Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари ва ногиронларига алоҳида эътибор берилган бўлиб, уларнинг нафақа миқдорлари 1 июлдан бошлаб энг оз миқдори 1300 сўм ҳисобидан олинади.

I гуруҳ уруш ногиронлари нафақаларининг энг оз миқдори ойига 3300 сўмдан ортиқни ташкил этади ёки салкам 1,9 баробар ёхуд ойига 1500 сўм кўпаяди. Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг энг оз нафақаси 1,8 баробардан зиёд кўпайиб, ойига 875 сўмдан 1600 сўмга етади.

Оширилган миқдордаги нафақаларни тўлаш учун йил охиригача 8,5 миллиард сўм ажратилади.

Талабалар ва ўқувчиларнинг стипендияларини ҳам 1,5 баробар ошириш кўзда тутилган. Айни чоқда имтиёзли овқатланиш учун қўшимча тўловларнинг аввалги миқдорлари ҳамда талабаларнинг ошхоналари ва буфетларида тушлик овқатларнинг қийматидан 50 фоизли чегирмалар сақлаб қолинади.

Олий ўқув юртларида стипендияларнинг ўртача миқдори ойига 450 сўмдан 675 сўмга, ўрта махсус ўқув юртларида 340 сўмдан 520 сўмга, кийим-бош ва овқат билан таъминланмайдиган ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 290 сўмдан 440 сўмга етказилади. Шу мақсадлар учун йил охиригача 400 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда.

Меҳнат унумдорлигини ўстириш ва ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш ҳисобига халқ хўжалигининг барча тармоқларида иш ҳақини янада кўпайтириш кўзда тутилади.

Фуқароларнинг, солиқ олинмайдиган даромадларининг энг паст даражасини ойига 550 сўмдан 1000 сўмгача етказиш ва ойига 5000 сўмгача бўлган иш ҳақидан даромад солиғи миқдорларини камайтириш ҳисобига ҳам барча ишловчиларнинг амалдаги даромадларини ошириш кўзда тутилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

ШУ ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ ОЙИДА ТОШКЕНТДАГИ ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИДА РЎЙ БЕРГАН ВОҚЕАЛАР БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КЕНГАШИНИНГ РАЁСАТИ ТУЗГАН РЕСПУБЛИКА ВА ДЕПУТАТЛАР КОМИССИЯЛАРИНИНГ АХБОРОТИ ТЎҒРИСИДА

Республика комиссиясининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. М. Мутаповнинг, шу комиссия ишчи гуруҳлари раҳбарларининг ва Олий Кенгаш Раёсати депутатлар комиссияси раҳбарининг ҳамда республика прокурорининг ушбу масалага доир ҳисоботини тинглаб ва муҳокама этиб Олий Кенгаш Раёсати шуни қайд этадики, республика ва депутатлар комиссиялари, тергов гуруҳлари воқеаларнинг сабабларини ҳар томонлама ўрганиш ҳамда аниқ таклифларни ишлаб чиқиш борасида сезиларли ишларни амалга оширганлар.

Шу нарса аниқландики, бир неча йил давомида кўплаб ётоқхоналар ҳолати қониқарсизлигича қолаверди, талабаларга коммунал-маиший ва транспорт хизмати кўрсатиш паст савияда бўлган, ошхоналар ва буфетлардаги озиқ-овқатлар билан таомларнинг сифати ва турлари аксарият ҳолларда талабга жавоб бермаган.

Буларнинг барчаси ўқув юртлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги раҳбарларининг эътиборидан четда қолган ва талабаларнинг асосли эътирозларини келтириб чиқарган. Бу ҳам етмагандек, талабаларга бериладиган стипендиялар ва купонларни ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ва тарқатиш ишлари суст бажарилган. Ноиложликдан нархнаво оширилаётган бир шароитда Президент ва Ҳукумат талабаларга моддий мадад кўрсатиш юзасидан кўраётган чора-тадбирлар кўпчилик талабалар эътиборига етказилмаган.

Шунингдек, комиссиялар айрим профессор-ўқитувчиларнинг билим даражаси паст эканлигини таъкидлади. Педагогларнинг айримлари ўқув жараёнини талабаларни ихтисослаштириш дастурига мувофиқ олиб бориш ўрнига дарс вақтида уларни сиёсий мавзулардаги бефойда сафсатабозликка жалб этганлар, эндигина ҳаётга қадам қўйган ёшларнинг ишонувчанлигидан фойдаланиб, уларнинг онгига республикадаги ишларнинг аҳволи хусусида нотўғри тасаввур, озодлик ва демократия ҳақиқий моҳиятининг бузиб кўрсатилган шамойилини сингдира борганлар. Шунинг оқибатида талабаларнинг айрим жамоаларида танг маънавий-руҳий вазият таркиб топган, интизом кескин ёмонлашган ва талабалар шаҳарчасида жиноятчилик қилиш учун вазият кескин кучайган.

Нияти бузуқ шахслар юзага келган вазиятдан фойдаланиб, талабаларнинг бир қисмини оммавий тартибсизликка, автобус бекатларини, савдо шохобчаларини ҳамда айнан талабаларга хизмат қилишга мўлжалланган бошқа объектларни яксон қилишга ҳамда ёқиб юборишга тортганлар. Бунга жавоб тариқасида, тартибни сақлаш ва ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатларнинг авж олишини тўхтатиш учун талабалар шаҳарчасига кучлар ташланган.

Ҳозирги пайтда республика бюджетидан ажратилган маблағлар эвазига ҳамда тегишли вазирликлар ва идораларни фаол жалб этган ҳолда талабаларга моддий-маиший ва транспорт хизмати кўрсатишни, уларнинг овқатланиши ҳамда дам олишини уюштиришни яхшилаш, шунингдек, шаҳарчадаги умумий вазиятни соғломлаштириш юзасидан кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилган. Бир қатор ўқув юртларининг, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигининг раҳбарияти мустаҳкамланди, ўқув-тарбиявий ишларнинг савиясини ва ўқитувчилар масъулиятини ошириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Оммавий тартибсизликлар ҳамда қурол қўлланганлиги ҳодисаси юзасидан республика Прокуратураси томонидан жиноий иш қўзғатилган ва муфассал тергов ўтказилмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ бир неча минг гувоҳ билан суҳбатлашилди, қурол қўллашда айбдор бўлган шахсларни аниқлаш мақсадида тегишли лаборатория экспертизалари ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Республика ва депутатлар комиссияларининг шу йил январь ойида талабалар норозиликларини келтириб чиқарган сабабларни ўрганиш натижалари тўғрисидаги ҳамда комиссиялар амалга оширган ишлар ҳақидаги ахборотлари маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига талаба-ёшларнинг муаммолари билан шуғулланувчи вазирликлар ва идораларнинг фаолияти устидан алоҳида назорат ўрнатиш, талабаларни ижтимоий муҳофазалашга қаратилган аниқ тадбирларни ишлаб чиқиш ва илдам амалга оширишни давом эттириш таклиф этилсин.

2. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Ж. Абдуллаев), Халқ таълими вазирлиги (Ж. Ғ. Йўлдошев), шунингдек ўз ўқув юртларига эга бўлган тармоқ вазирликлари ва идоралари ўқув юртлар раҳбарияти билан ҳамкорликда таълим беришнинг сифати ва талабаларнинг билими учун профессор-ўқитувчилар масъулиятини сезиларли даражада оширишининг таъсирчан чора-тадбирларини кўрсинлар, кадрларни мунтазам аттестациядан ўтказиш тажрибасини жорий этсинлар, Малака даражаси замон талабларига жавоб бермайдиган, ўз ҳатти-ҳаракатлари билан талабалар жамоаларидаги маънавий-руҳий муҳитнинг ҳолатига салбий таъсир ўтказадиган ўқитувчилардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмаслигига алоҳида эътибор қаратилсин.


3. Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг ҳокимлари талабаларга кўрсатилаётган тиббий, савдо, маданий-маиший, транспорт ва бошқа кўринишдаги хизматлар сифатини яхшилашга қаратилган қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишни таъминласинлар. Белгиланган тадбирларнинг амалда бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатсинлар, талабалар жамоаларида соғлом маънавий-руҳий муҳит сақлаб турилишига алоҳида эътибор берсинлар. Бу ишга халқ депутатлари, уруш ва меҳнат фахрийлари, жамоатчилик кенг жалб этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Прокурорининг талабалар шаҳарчасидаги оммавий тартибсизликларга доир ҳамда ўқ отиш қуролидан фойдаланганлик хусусидаги фактлар бўйича олиб борилаётган тергов тугаш арафасида эканлиги тўғрисидаги маълумоти эътиборга олинсин. Айбдор шахслар жавобгарликдан четда қолишига йўл қўймайдиган даражада муфассал ва холис тергов қилинишини таъминлаш Б. Мустафоевга топширилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг шу йил 17 ва 25 январдаги қарорлари билан тузилган Республика ва депутатлар комиссияларининг иши якунланган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 25 июнь.







● БЕКОБОД районидаги «Ўзбекистон» колхозида бу йил 190 гектар майдонда ғалла етиштирилди. Айни кунларда ўрим-йиғим ишлари қизғин давом этмоқда.

СУРАТЛАРДА: Пудратчи онла бошлиғи Муса ака Отабеков ҳосил чўғидан мамнун; комбайнлар унум билан ишламоқда; хўжалик агрономи (ўнгда) Маматқул Ҳакимов ва тафтиш комиссиясининг раиси Асатулла Мирзоқуловлар ғаллазорда.

Б. САФАРОВ суратлари.

МУҲАММАД НАВОЗ ШАРИФ ЎЗБЕКИСТОНДА

(Боши 1-бетда).

Шундан кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ва Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф журналистлар билан учрашдилар.

Ислом Каримов Покистон Республикаси Бош Вазири билан бўлиб ўтган дўстона учрашувдан мамнун эканлигини изҳор қилиб, қадим тупроғимизда аждодларимиз асос солган яхши қўшничилик муносабатлари тикланаётганлиги, бу эса икки мамлакат равнақи йўлида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

— Биз,— деди Ўзбекистон Президенти,— ҳозиргина учта муҳим ҳужжатга имзо чекдик. Улар, шубҳасиз, илм-фан, маданий-маърифий соҳаларни ривожлантириш, малакали мутахассислар тайёрлаш, халқларимиз ўртасида саёҳат, туризм, савдо-сотиқ ва иқтисодиётни юксалтиришга хизмат қилади.

Покистон Республикаси Бош вазири учрашув давомида яхши натижаларга эришилганлиги, Ўзбекистонга, унинг меҳмондўст халқига меҳр-муҳаббати ортганлиги ҳақида тапирди. Биз Ўзбекистоннинг мустақилликни мустаҳкамлашида, жаҳон миқёсида ўз ўрнини топишида, иқтисодий жиҳатдан юксалишида қўшни давлат сифатида ўз кўмагимизни аямаймиз, тенг ҳуқуқли алоқаларимизни ривожлантираверамиз, деди у.

Сўнгра икки мамлакат раҳбарлари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Покистон Ислом Республикасининг Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф шу куни Ўзбекистон миллий боғида бўлиб, буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

* * *

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги 27 июнь куни Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида Тошкентга келган бир гуруҳ Покистон тадбиркорлари билан амалий учрашув ўтказди.

Меҳмонлар Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазири У. Султонов билан суҳбатлашдилар. Шундан кейин покистонлик ишбилармонлар кўргазма катта биносидаги экспозицияларни кўздан кечирдилар. Вазирнинг биринчи ўринбосари С. Сафоев амалий учрашув чоғида қўшни мамлакатдан келган ишбилармонларга Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятлари хусусида, республикада ҳорижий сармоядорлар учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар ҳақида гапириб берди. Ўзбекистон республикасини ҳам, Покистон жумҳуриятини ҳам қизиқтираётган кўпгина масалалар муҳокама қилинди.

Икки мамлакат ўртасидаги савдо ва иқтисодиёт соҳасида ҳамкорликка ёрдам бериши лозим бўлган ана шу учрашувда Покистондаги «Табани корпорейшн», «Метро гарментс индастриз», «Мир афзал хан энд компани» фирмалари, «АБС» тўқимачилик гуруҳи вакиллари қатнашдилар. Учрашувда Ўзбекистон ишбилармонлари номидан ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг «Интералоқа», «Узпроммашимпекс», «Узмедимпекс», «Узагроимпекс» ва «Промсирьё» фирмалари ва бирлашмаларининг намоёндалари иштирок этдилар.

* * *

28 июнь куни эрталаб Тошкентда тантанали вазиятда Покистон Ислом Республикаси элчихонаси очилди.

Чилонзордаги шинам бино ёнида пойтахт жамоатчилиги, ҳорижий мамлакатлар элчихоналари вакиллари, журналистлар тўпландилар.

Покистон Ислом Республикасининг Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов минбарга чиқадилар.

— Мен бугун Ўзбекистон Пойтахти Тошкентда Покистон Ислом Республикаси элчихонаси очилаётганидан бағоят мамнунман,— деди Муҳаммад Навоз Шариф.—Бу ҳаммамиз учун тарихий воқеадир. Элчихона мамлакатларимиз ўртасида ҳар томонлама алоқаларни кенг ривож топтиришга хизмат қилади. Мен, деб сўзини давом эттирди Бош вазир, Президент Ислом Каримовни мамлакатимизга ташриф буюришга, уни 14 августда бўладиган Покистон халқининг миллий байрамида қатнашишга таклиф этдим. Таклифимиз қабул қилинганидан хурсандман.

— Бош вазир жаноби олийлари,— деди А. Муталов,— Покистон Республикаси элчихонаси пойтахтимиз Тошкентнинг энг кўркам биноларидан бирига жойлашди. Элчихона мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик, иқтисодий ва маданий алоқаларни ривож топдиришда муҳим марказ бўлишига ишончимиз комилдир.

Тантанали дақиқалар бошланади. Қардош мамлакат Давлат Мадҳи садолари остида Муҳаммад Навоз Шариф Покистон Ислом Республикасининг миллий байроғини кўтаради.

* * *

Покистон Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф бошчилигидаги ҳукумат делегацияси якшанба куни Самарқандга ташриф буюрди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов делегацияга ҳамроҳлик қилди.

Покистонлик меҳмонлар шаҳар билан танишишни Мирзо Улуғбек расадхонаси ва ёдгорлик музейидан бошладилар. Сўнгра улар Челак районига бориб, ҳадис илми асосчиларидан бири Исмоил ал-Бухорий қабрини зиёрат қилдилар. Покистон Бош вазири ал-Бухорий масжидига атаб олиб келган совғалари — муқаддас китоб ва жойномозни топширди, табаррук қадамжони янада ободонлаштириш мақсадида 50 минг доллар ҳадя этди.

Меҳмонлар, шунингдек Регистон ёдгорликлари мажмуини ҳам томоша қилдилар.

* * *

Шу куни Покистон расмий делегацияси Самарқандан Бухорога келди. Меҳмонлар шаҳарнинг тарихий обидалари — Мир Араб обидасини, Ситораи Моҳи Хоса саройини, Исмоил Сомоний мақбарасини бориб кўрдилар.

Покистон Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф бошчилигидаги расмий делегация 28 июнь куни Бухородан ватанига жўнаб кетди.

Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги.

● «ТАБИАТ ВА ИНСОН» ПОЧТАСИДАН

АНГОР ЭЧКИСИ: ФОЙДАСИ ВА ЗАРАРИ

АНГОР эчкилари подалари бутун республикамиздаги каби вилоятимизнинг тоғли минтақаларида, яйловларида, ўрмонзорларида тобора кўпроқ учрамоқда. Улар асосан жуни учун боқилмоқда, қўпайтирилмоқда. Жуни қимматли хом ашё ҳисобланади, бозори чаққон. Айниқса, иқлими совуқ мамлакатларда, чунончи Россиянинг кўпгина вилоятларида уни баланд нархларда харид қилишади, бамисоли момиқдек толасидан қимматбаҳо кенг истеъмол молларни тайёрлашади. Шу сабабли ҳам ҳатто вилоятимизда парвариш қилинаётган бундай чорва турини ривожлантириш йўлидан борилмоқда, меъёр бўлиши керак, деган тушунчани инобатга олишмаяпти. Чунки, бу зот эчкиларининг табиатимизга етказаётган зарари ортиб бораяпти. Мухбиримиз М. Мирҳамидовнинг Ангрен шаҳар ҳокими ўринбосари, табиатимизнинг жонкуяр ҳимоячиси Иноят Сайфуддинович САЙФУДДИНЗОДА билан қуйида қилган суҳбати ҳам шундан далолат беради.

— Кейинги вақтларда ангор эчкилари подаларининг кўпаяётганлиги ҳам ижобий, ҳам салбий баҳо олмоқда. Униинг тарафдорлари чорванинг бу тури хўжаликларга, чорвадорларга катта фойда келтиришини алоҳида таъкидласалар, қаршилари зарари ҳам кўплигини уқтирадилар. Шу ҳақдаги шахсий фикрингизни билдирсангиз?

— Ижозатингиз билан гапни сал узоқроқдан бошламоқчиман. Умуман, табиатни, шу жумладан вилоятимиз тоғли районлари ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини яқин вақт ичида ҳозирги даражада бўлса ҳам сақлаб қолиш, сўнгра уни тиклаш ва ривожлантириш нуқтаидан муҳим эканлигини яна бир бор бўлса ҳам таъкидлашни ўринли, деб ҳисоблайман. Чунки бундай гўзал, мафтункор, бой манзарали табиат минтақасини жаҳоннинг жуда ҳам камдан-кам жойидагина учратиш мумкин. Шахсан ўзим уни онам заминнинг энг бой региони, деб ҳисоблайман.

Вилоят бўйича табиий бойликлардан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш юзасидан 2005 йилгача мўлжалланган Дастурда келтирилган рақамларнинг ўзи ҳар қандай кишини лол қолдиради, ҳақиқий табиат жонкуяри қалбини ҳис-ҳаяжонга солади. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ер куррасига нисбатан кичик нуқтадай жойни эгаллаган бу ҳудудда 3000 турдан ортиқ олий ўсимликлар, 350 дан ортиқ жониворлар турлари, 50 хилга яқин балиқлар, 30 тур сут эмизувчилар, 300 хилдан ортиқ қушлар, 50 хил судралиб юрувчилар ва ҳоказолар яшайди.

Биргина Оҳангарон водийсида 100 хилдан ортиқ шундай ўсимликлар борки, улар дунёнинг бошқа жойида учрамайди. Доривор ўсимликлари сони 300 тадан ортиқроқдир. Қизил китобга киритилган бошқа флора ва фауни намуналари билан ҳам бойдир.

Шуниси ҳам аёнки, бундай табиий бойликларни асраб-авайлаш, сақлаб қолиш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир. Виждонимиз, келажак авлодлар олдидаги масъулиятимиз шунга ундайди. Бироқ, минг афсус-надоматлар бўлсинки, ҳозирги вақтда ҳамма минтақаларда, шунингдек вилоятимизнинг тоғли минтақаларида шундай бебаҳо табиий бойлигимизга путур етказиш давом этаяпти.

— Ангор эчкилари подаларининг бунда «ҳиссаси» қандай бўлаяпти?

— Жуни сержило, қиммат, мўмай даромад манбаи бўлган бундай чорванинг арифметик эмас, балки ҳатто геометрик кўпайиши қонуни асосида ортиб кетаётганлиги тоғларимиз табиатини жуда ҳароб қилмоқда, унга қайта тикланиши мавҳум даражада жароҳат етказмоқда. Кўп жиҳатдан шу чорва туфайли айрим жойлар, чунончи Ашт райони тоғлари шип-шийдон бўлиб қолди. Кейинги 15—20 йил ичида ўсимликларнинг қатор, ҳатто ноёб турлари йўқолиб кетди. Валериан ўсимлиги илдизлари, қизилмойча, ялпиз ва ҳомлигича танаввул қилинадиган қатор бошқа қимматли, доривор ўсимликларни кундузи чироқ ёқиб қидирсангиз ҳам топишингиз амри маҳол. Ваҳоланки, шу ўсимликлар инсонларни Улуғ Ватан уруши йилларида сақлаб қолган. Биз буни яхши биламиз. Тоғ гуллари гўзали, муҳаббат рамзи, ажойиб қизил лола ҳам камдан-кам учрайдиган бўлиб қолди.

Кўпчилик буталар, тоғ мева-рёзавор ўсимликлари, олчалар, эирк ва қора қант, ёнғоқзорлар ҳам йўқолиб кетмоқда. Кўп сонли ангор эчкилари подалари, уларнинг асосан тоғли районларда боқилишини ҳамма билса керак, бундай ўсимликлар уёқда турсин ҳатто тоғ арчаларини ҳам пўстини шилиб, илдиз-пилдизи билан қуритмоқда.

Чорва бу турининг кўпайиб кетишининг табиатга нисбатан оқибатлари жуда ҳунук бўлишини ҳали кўпчилик, ҳатто шу соҳа мутахассислари, табиатни муҳофаза қилишдек ҳайрли иш зиммасига юклатилганлар ҳам тушуниб етмаяпти. Кейин эса кеч бўлиши мумкин. Ўшанда ҳарқандай афсусланиш фойдасиз бўлади.

— Бундай эчкиларни нима учун ангор дейилади? Кўпчилик муштарийлар унинг негизини билмасалар керак? Шу ҳақда нима дейсиз?

— Бундай эчкиларнинг макони Туркияда жойлашган бўлиб, Ангор номи билан юритилади. У ҳатто шу ерда ҳам фойдасидан зарари кўпайиб кетганлигини пайқаб қолишди. Эндиликда уни ўз ватанида ҳам учратмаймиз. Бир вақтлар Ўрта Осиё, шу жумладан республикамиз аҳолиси бундай жун ўрнига қўй момиғини, уни тивит деб аташган, ишлатган эди. Ҳозир эса бу қулай, арзон, сифатлари жиҳатидан ҳам ёмон бўлмаган тивитдан рўмоллар, тўрқўйлаклар тўқиш деярли хотима топди. Ангор эчкиси жуни анча юқори туришини юқорида айтиб ўтган эдик. Марказий Россияда ҳар килограммини етти юз-минг сўм атрофида харид қилишади. Уни асосан хусусий кишилар сотади. Пул эса қуруқ қайтаради, унга ҳечқандай мол-пол ҳарид қилиниб, республикага келтирилмайди. Бу мол билан таъминланмаган пулнинг миллион сўмлаб кўпайишига ҳам сабаб бўлади.

Ҳозирги вақтда мева-реза меваларнинг нархи баландлигининг сабабларидан бири Ўрта Осиёнинг серҳосил тоғли районларининг қашшоқлашиб бораётганида эканлигини ҳисобга олиш керак. Бу ҳол асосан шундай жойларда ангор эчкилари подаларининг кўпайиб боравётганлиги оқибатида содир бўляпти.

Ангор эчкилари боқилаётганидан боқилган ва ундан воз кечилган мамлакатлар кўп десак, ҳато қилмаймиз. Улар қаерда парвариш қилинмасин, табиатга жуда катта зарар келтирганлигидан далолат берувчи тарихий мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Масалан, бир вақтлар Испанияда шундай бўлди. Португалия ҳам вақтида этагини ёпиб олди. Қатор Африка мамлакатлари шундай «боъзо»дан азият чекишди. Бу рўйхатни давом эттираверши мумкин.

Тожикистонда чиқадиган «Илм ва ҳаёт» журнасининг хабар беришича, агар XX аср бошларида бутун Африка қитъаси ҳудудининг 60 фоиздан ортиқроғини ҳатто инсон юраолмайдиган ўрмон-бутазор чангалликлари эгаллаган бўлса ҳозир уларнинг майдони фақат 17 фоизни ташкил этиб турипти. Кислород манбаи бўлган бундай чангалзорларнинг шу қадар қисқариб кетганлигининг асосий «айбдор»ларидан бири ангор эчкилари бўлди. Бир вақтлар ўзининг ажойиб ўрмонзорларию кўкаламзорлари билан оламга машҳур бўлган Судан ва Нигерия каби Африка мамлакатлари ҳудудлари чўлга айланмоқда. Марокко ва Яқин Шарқ мамлакатлари ўрмонзорлари эса тугаш арафасида турипти. Португалияликлар Муқаддас Елена оролига келтирган ангор эчкилари подалари икки юз йил давомида кўкаламзор бу ҳудудни қип-қизил саҳрога айлантириб қўйди. Мадагаскарнинг Хан-Фернандес оролининг тақдири ҳам шундай бўлди.

Бу эчкиларнинг табиатга зарар келтириши фақат шулар билан чекланмайди.

Эчкиларнинг жуни турли ҳашаротлардан дизенфекция қилиб турилади. Бунинг учун кралин деган заҳарли кимёвий модда ишлатилади. У сувга қўшилиб, жун устидан қўйилади. Ҳар бир эчкига ҳар йили бир килограмм атрофида шундай модда сарфланади. Ювиш учун эса тоғдаги эриган тиниқ, тоза сув фойдаланилади. Заҳарли моддалар аралашган юзлаб куб метр эритмалар тоғ дарёларига қайтиб тушади ва уларни булғатади. Бу уни ичадиган инсонлар, жониворлар саломатлигига зарарлидир. Бунинг устидан ҳечқандай назоратнинг йўқлиги ҳам ташвишли бир ҳолдир.

Жигаристон фалокатининг ҳам содир бўлишида шу жониворларнинг «ҳиссаси» бор, деб бемалол айтиш мумкин. Чунки тоғолди ўтлоқлари эчкилар боқилганлиги сабабли емирилишга мубтало бўлди. Тупроқ устидаги ўсимликлар қопламаси йўқ қилиб юборилди. Бу ўтларнинг илдизлари бамисоли арматурага ўхшаб, тик қияликдаги тупроқни ҳам мустаҳкам ушлаб турарди.

Ўсимликларнинг йўқлиги баҳорда катта сув тошқинлари бўлишига ҳам олиб келмоқда. Айниқса, бу йил у жуда хатарли бўлди. Кўкламги ёмғир эса юмшаб қолган ҳосилдор тупроқни ювиб, сел оқимлари ҳосил қилмоқда, бу билан водийнинг қайир ерларига зарар келтирмоқда. Ўсимликларнинг сийраклашиши ва йўқ қилиниши асал ариларининг камайиб кетишига, демак шифобахш асал етиштиришнинг азойишига олиб келмоқда.

Тоғларда ўсимликларнинг йўқ бўлиб кетиши қурғоқчиликлар бўлишига ҳам сабаб бўлади, натижада деҳқончилик ва чорвачилик катта зарар кўради. Тоғларнинг яланғочланиши оқибатида кислород, табиатни асровчи ва ҳимоя қилувчи турли хил ҳайвонлар йўқолиб кетиши мумкин. Бу инсон саломатлиги учун ҳам хавф туғдиради.

Олимлар, экологлар, иқтисодчиларга шу нарса ҳам маълумки, ангор эчкилари регион иқтисодиётига ҳам катта зарар келтиради. Ҳозирги вақтда аҳоли чорваси учун мўлжалланган озуқа ва доннинг аксарият кўпчилиги шу эчкиларни боқиш учун сарфланади. Шундай қилинмаса жун сифати ёмонлашади. Қисқаси ангор зотли эчкилар жунининг ҳар бир грами жуда қимматга тушади.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, умуман эчкиларнинг ўрмон, яйловларга келтирадиган зарари ҳақидаги масала янгилик эмас. Илгари ҳам бу ҳисобга олинган. Масалан, собиқ СССР Вазирлар Кенгашининг бундан деярли ўн йил илгари қабул қилган қарорида мамлакат ўрмонларида пичан ўриш ва чорвани боқиш ҳақида гап борган бўлиб, унда шундай жумла ҳам бор эди: «Ўрмонларда эчкиларни ўтлатиш маън қилинади. Ўрмон хўжалигини олиб борувчи корхоналар, муассасалар, ташкилотлар истисно тариқасида эчкиларни алоҳида ажратилган, мол боқувчилар олдиндан атрофини ўраган участкаларда ўтлатишга рухсат беришлари мумкин». Бу ҳозирги вақтда ҳам Ўрта Осиё, шу жумладан республикамиз ва вилоятимиз ўрмонлари учун ўз қимматини йўқотган эмас. Умуман бундай талабнинг бажарилишини ҳеч ким назорат қилмаётганга ўхшайди. Акс ҳолда бизнинг регионларда ангор эчкилари подалари бунчалик кўпайиб кетмаган бўларди.

— Республика ҳукумати Чоткол-Қурама тоғ жойларини Бўстонлиқ билан миллий боғ деб эълон қилди. Шунга мувофиқ бу ерларда ўсимликлар дунёсига катта зарар келтирувчи, хусусан, эчкиларни боқиш ман қилинганку!

— Бу кўрсатмага ҳам деярли риоя қилинмаяпти, унга амал этилишини назорат қилувчи мутасадди ташкилотларнинг ўзлари ҳам бу соҳада фаолиятсизлик кўрсатишяпти. Оқибатда бу муҳим қарор ҳам рўёбга чиқмаяпти. У қабул қилинганидан кейин икки йил вақт ўтди. Ангор эчкилари сони эса камайиш ўрнига ортиб бормоқда. Ҳисобларга қараганда, шу даврда кўпайиш деярли 3—3,5 бараварни ташкил этган. Шу суръат давом этадиган бўлса миллий боғ табиати ҳам тикланиб бўлмас даражада зарар кўриши мумкин. Ҳозирги вақтгача унга етказилган жароҳатни тиклаш учун ярим асрдан кўпроқ вақт керак бўлади, демоқдалар.

Ангор эчкиларини тоғ минтақаларидагина эмас, умуман боқилишига қаршиман. Фақат ҳозирги фойдани ўйлаб келажакка панжа орасидан қараш, истиқболни ўйламаслик ҳеч қачон яхшилик келтирмаган ва келтирмайди ҳам. Бизнинг фикримизча, эчкидан бир мири фойда олиб, юз танга зарар кўргандан кўра, унинг тури ўрнига кўпроқ қўй боқиш лозим. У табиатни сақлашга, меҳнаткашлар дастурхонини, айниқса, гўшт маҳсулотлари билан бойитишга ёрдам беради. Жуни ҳам қимматли ҳом ашё бўлади. Менинг тажрибага асосланган шахсий фикрим шундай.

ЭЪТИҚОД

ҚИЗҒИН РУҲДА ЎТДИ



Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши бошланғич партия ташкилотлари котибларининг ўқуви регионал тарзда ўтказилмоқда. 16 июнь куни вилоят кенгашида шундай ўқувларнинг бири бўлиб ўтди. Унда Зангиота, Тошкент, Қибрай, Янгийўл район партия кенгашларининг, бошланғич ташкилотларнинг котиблари иштирок этдилар.


«Бозор иқтисодига ўтиш шароитида Ўзбекистон Республикаси Президентининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳақидаги фармонларининг бажарилишида бошланғич партия ташкилотларининг мавқеи ва ўрни» мавзуига бағишланган ушбу семинарни Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг биринчи котиби Ў. Т. Турғунов кириш сўзи билан очди ва олиб борди.

Семинар қатнашчилари партиявийлик системасида Ўзбекистон ХДПнинг жамиятга бўлган таъсирини кучайтириш ҳақида ўзаро фикр алмашдилар. Жойларда сиёсий партияларга, хусусан, ХДПга бўлган муносабат бир хил эмас. Аҳолининг баъзи қатламларида сиёсий партияларга бўлган қизиқиш ортиб бораётган бўлса, айрим гуруҳларда партияларга бўлган қизиқиш кам. Баъзи одамлар: «Партия нима қилиб берарди?» деган мулоҳазани билдиришмоқда. Шундай бир шароитда жамиятда бўлаётган инқилобий ўзгаришларда ХДПнинг мавқеини оммага тушунтиришни кучайтириш керак. Тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишлари яхши олиб борилаётган жойларда партия ташкилотларининг таъсири сезилиб турибди, бу ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган жойларда эса бунинг акси бўлаяпти. Бундай партия ташкилотлари масалани қўйишда сусткашлик қилишмоқда. Президент фармонларининг жойларда қай тарзда бажарилаётганлигини айрим партия ташкилотлари етарли даражада назорат қила олмаяпти. Партия ташкилотлари одамлар онгига чуқурроқ таъсир этиб, жамоатчиликнинг назоратини амалга оширишга эришишлари кераклиги таъкидлаб ўтилди.

Семинарда мафкура, ҳокимлик ва партиянинг ўзаро муносабатлари ҳақида қизғин бахс — мунозара бўлди. Маълумки, партия кенгашлари ҳокимият идораларига таъсирини ўз вакиллари орқали ўтказадилар. Афсуски, ушбу механизм жойларда яхши ишламаяпти. Ҳокимлик билан партия кенгашларининг муносабатларида муаммолар кўп.

Партия кенгашларининг ўзи бир жиҳатдан моддий ёрдамга муҳтожлик сезмоқдаки, бу уларнинг сиёсий фаолиятига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Партия кенгашлари ишини яхши йўлга қўйиш учун уларга моддий ёрдам кўрсатиш, хусусан бу кўмак ҳукумат томонидан берилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди, деган мулоҳаза билдирилди.

Семинар кенгашда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг Парламент ишлари ва партиялараро алоқа бўлимининг мудири Ш. Шоисломов, Матбуот, ахборот ва тарғибот бўлимининг мудири А. Жалолов, Сиёсатшунослик ва бошқарув олий билимгоҳининг профессор ўқитувчилари — сиёсатшунослик кафедрасининг мудири, тарих фанлари доктори, профессор К. Алимов, ҳўжалик механизми кафедрасининг профессори Н. Ниёзов, халқаро иқтисодий алоқалар кафедрасининг профессори Х. Алимов, шу институт доценти ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Х. Эшонхўжаевлар қатнашиб, республикамиздаги ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштиришда Ўзбекистон ХДПнинг олиб бораётган сиёсати ҳақида гапирдилар ҳамда семинар иштирокчиларининг саволларига жавоб қайтардилар.







Бу суратлар вилоят кенгашида ўтган ўқув жараёнида олинган.

Суратказ В. ХАРИТОНОВ.

ХАЛҚЧИЛЛИККА ИНТИЛЯПМИЗ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг жумҳуриятимизда мустақил сиёсий партия бўлиб фаолият кўрсатаётганига кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин шунга қарамай, у тез-тез тилга олинмоқда, халқ орасига, турмушимизга дадил кириб бормоқда.

Оққўрғон район партия Кенгаши ҳам бундан мустасно эмас. Яқинда мухбиримиз ушбу ноҳия Кенгашининг биринчи котиби ўртоқ А. ҚОСИМОВ ҳузурида бўлиб, шу кунларда амалга оширилаётган партиявий ишлар юзасидан суҳбатлашиб қайтди.

— Абдуллаҳошим Қосимович, районда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг мавқеи ҳақида нималар дея оласиз?

— Худди шу масала фақатгина бизда эмас, бутун диёримизда ҳам асосий диққат-эътиборда бўлиб турибди, десам янглишмаймиз. Чунки партиямиз келажагига қизиқиб турганлар кўпчиликни ташкил этади. Ишимизни шу жиҳатдан келиб чиқиб олиб боряпмиз.

Аввало, район партия Кенгаши, жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари ҳозирги ҳаётий қийинчиликларнинг ўткинчи, вақтинчалик эканини халққа, ҳар бир фуқаронинг онгига сингдиришни ўзларининг асосий вазифаси деб билмоқдалар. ЎХДП район Кенгаши тузилган 1991 йил октябрь ойидан бошлаб барча хўжаликларда маҳаллий Кенгашлар билан биргаликда одамларни қишдан эсон-омон олиб чиқиш чоралари кўрилди. Халққа озиқ-овқат; картошка ва сабзавот маҳсулотлари тарқатилди.

Иқтисодий жиҳатдан камқувват, кўп болали оилаларга моддий ёрдам уюштирилди, Наврўз кунлари ҳайрия эҳсонлар берилди, мурувватлар кўрсатилди. Яқинда Алимкент қўрғонида содир бўлган табиий офат — сув тошқинида анчагина талафот кўрилди. Вилоят, жумҳурият партия фаоллари шу жойнинг ўзида одамларнинг қайғуларига ҳамдард бўлдилар. Вилоят партия ташкилоти Кенгаши ижроия бюроси эса 21 оилага 5000 сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатди. Демоқчиманки, мана шундай ҳаракатлар билан мисқоллаб бўлсада партиямиз обрў-эътибори ортиб бормоқда.

— Партияга киришга мойиллик эски Компартия аъзолари орасида кучлими ё ёшлар орасидами? Шуларни таққосласак районда қандай манзара намоён бўлади, умуман партияга қабул жараёни қандай кечмоқда?

— Саволга тўлиқроқ жавоб берадиган бўлсак, шуни таъкидлаб ўтиш мумкинки, янги партия ташкил топганидан сўнг районда барча хўжаликларда, Алимкент қўрғонида ва 5 та тармоқлар бўйича, жами 19 та бошланғич партия ташкилотлари тузилди. Компартия аъзолари билан ҳам, партияда бўлмаган ёшлар билан ҳам амалий суҳбатлар ўтказдик. Натижада ташкилий даврда — халқ-демократик партияси аъзолари 1052 нафар бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 1435 кишига етди. Шуларнинг деярли ярми илгари коммунист бўлган кишилар, 400 киши эса илгари бирон бир сиёсий партияга аъзо бўлмаган ёшлардан.

Бундан буён ҳам партиямиз сафларини ўстириш масаласи асосий вазифамиз бўлиб қолаверади, танлов давом этаверади. Илгари КПСС сафида бўлган, лекин бирон-бир сабаб билан иккиланиб юрганлар ҳам эътиборимиздан четда қолмайди. Ҳозир район партия ташкилоти Кенгаши, унинг ижроия бюроси аъзолари ҳамда бошланғич партия ташкилотлари котиблари улар билан якка ҳолда суҳбатлар ўтказиб, янги партияга жалб этмоқдалар. Бугунги кунда райондаги 106 ташкилот, корхона ва муассасалар раҳбарларининг 61 нафари, 14 та жамоа хўжалигининг ҳамма раҳбарлари ЎХДП аъзоларидир. Район партия Кенгаши партия сафини мустаҳкамлашда бу ўртоқлар ҳиссасида, уларнинг ўз жамоаларидаги обрўларидан амалий фойдаланмоқда.

— ЎХДП район Кенгаши кадрлар масаласига қандай муносабатда бўлмоқда?

— Шу саволингизга мен туманимиздаги «Оққўрғон» давлат хўжалиги, «Гулистон», «Мустақил Ўзбекистон», «Озод» жамоа хўжаликлари партия ташкилотлари тажрибаларидан келиб чиқиб жавоб бермоқчийдим. Бу жойларда хўжаликлар раҳбарлари билан партия ташкилотлари котибларининг ўзаро баҳамжиҳат ишлашлари кадрлар масаласини аҳиллик билан ҳал этишга кўмаклашяпти.

Ушбу хўжаликларда барча масалалар бамаслаҳат ҳал этилади, котибларнинг самарали ишлашлари учун ҳамма шароитлар яратилган. Биз туман ҳокимияти билан ҳам худди шундай ижодий ҳамкорликни барқарорлаштиришга интиляпмиз. Кадрлар тез-тез ўзгараётган ҳозирги кунда район ҳокимлиги ЎХДП район кенгаши ижроия бюроси таклифини инобатга олиб турибди. Менимча, кадрлар борасида фақат ҳамкор ҳаракатгина муваффақият келтиради.

— Партия кишиларда фақат сиёсий онгни шакллантириш билан шуғулланиши керак, дейилаётган гапларга қандай қарайсиз?

— Тўғри, кейинги пайтларда шунга ўхшаш гапларни тез-тез эшитиб турибмиз. Лекин, бозор муносабатларига ўтилаётган бир шароитда қишлоқ хўжалигига катта аҳамият бериш талаб қилинаётганлиги сир эмас. Чунки, халқимизнинг аксарият кўпчилиги ер иши билан боғланган, улар ҳунарманд ёки косиб, қурувчи ёки машинасоз эмас, ўз турмушини шу она замин билан ўтказади. Шундай экан, партиямизнинг ҳам фикру-зикри ердан олинадиган маҳсулотни кўпайтиришга қаратилиши керак, деб ўйлайман. Шу мақсадда ЎХДП район Кенгаши фаоллари район ҳокимлиги билан бирликда баҳорги чигит экиш даврида фаол иштирок этдилар, биттадан чорва фермерларини ўз оталиқларига олишди, бошланғич партия ташкилоти котиблари эса ўз жамоа хўжаликларида пиллачиликка бош-қош бўлишди. Ҳозир ғўзалар ривожи яхши, яқинда эса вилоятда пешқадамлар сафида давлатга 152 тонна пилла топшириб режа уддаланди. «Мустақил Ўзбекистон», «Озод», «Гулистон» жамоа, Сегизбоев номли ва «Оққўрғон» давлат хўжаликларидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари бўлган пиллакорлар мазкур мавсумда фаоллик кўрсатдилар.

— Келгусидаги режалар?

— Ҳозирда ҳам амал қилиб келаётган барча жамоат ташкилотлари билан ижодий ҳамкорлигимиз янада давом этади. Чунки ҳаммамизни битта, яъни халқимиз тинчлигини, фаровонлигини, жумҳуриятимиз мустақиллигини амалда таъминлашдек буюк мақсад бирлаштириб турибди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг IV Пленумида И. А. Каримов таъкидлаганларидек, барча кучимизни ҳақиқий бахт-саодатга эришиш борасидаги фармон, режаларни тўлиқ бажаришга қаратамиз.

УЮШҚОҚЛИК ТАЛАБ ЭТАДИ

Ҳademай Ўзбекистон ХДП фаолиятида қизғин ва ҳаяжонли онлар — партия билетларини топшириш мавсуми бошланади. Бу вилоятимиз ҳаётида ҳам муҳим воқеадир. Шу муносабат билан мухбиримиз Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши ички партиявий ишлар бўлимининг мудири М. ТИЛЛАБОЕВга мурожаат қилиб, бу борада олиб борилаётган ишлар кўлами ҳақида гапириб беришини илтимос қилди.

— Сизнингча ушбу тадбирнинг ўзига хос жиҳатлари нимада?

— Партия билетини топшириш шунчаки бир иш бўлмай, муҳим сиёсий, жиддий бир синовдир. Биз бу вазиятдан моҳирона фойдаланиб, ўз сафларимизни фақат ташкилий жиҳатдангина эмас, балки ғоявий, сиёсий жиҳатдан ҳам мустаҳкамлашга эришишимиз лозим.

Маълумки, партиямиз янгидан тузилди, лекин шунга қарамай, унинг дастурий мақсадлари кўпчилик томонидан эътироф этилиб қўллаб-қувватланмоқда. Ҳозир вилоят партия ташкилотида 33 минга яқин Ўзбекистон ХДП аъзоси бор. Ўтган давр мобайнида вилоят партия ташкилоти ташкилий жиҳатдан шаклланиб, барча тизимлари шаклланиши асосан ниҳоясига етказилди. Партия билетларини бериш жараёнида партиядаги ички ишлар ҳақида аниқ фикрларга эга бўламиз, камчиликларимизни кўриб, уларни тузатишга ҳаракат қиламиз. Ҳар бир партия аъзоси билетни олар экан ўз-ўзига: «мен партия дастурини амалга оширишда қандай ҳисса қўшдим?» деб сўраши табиий бир ҳол. Шу маънода бу тадбир ҳар бир партия аъзоси учун ички бир масъулият туйғуси бўлиб моҳиятига кўра рамзий аҳамият касб этади.

Кўпчилик партия билетини орзиқиб кутмоқда. Халқнинг кайфиятидаги шу ҳолатни чуқур англаб, бу тадбирни сиёсий ва ташкилий жиҳатдан уюшган тарзда кўтаринки руҳда ўтказишга эришишимиз керак. Вилоят кенгаши жойлардаги тайёргарлик ишларини ўрганиб чиқди. Шаҳар, район партия кенгашларида ушбу мавзуни ўтказиш билан бевосита боғлиқ бўлган масалалар муҳокама қилиниб, мавжуд аҳвол таҳлил этилмоқда, камчиликлар тузатилмоқда. Шаҳар, район партия кенгаши ижроия бюросининг аъзолари, фаоллар бошланғич ташкилотларга бириктириб қўйилган. Партия кенгашлари томонидан бошланғич ташкилотларида ХДП аъзоларига партия билетларини топшириш тартиб рўйхати тузиб қўйилган. Ижроия бюронинг ҳар бир аъзосига аниқ топшириқлар берилган, вазифалар тақсимланган.

— Партия билетларини ёзиб бериш ишлари қандай тарзда олиб борилади?

— Ўзбекистон ХДП ҳужжатларини, шу жумладан партия билетларини ёзиб бериш шаҳар, район кенгашлари томонидан амалга оширилади. Партия ҳужжатларини бевосита шаҳар, район кенгашларининг ҳисоб сектори томонидан тўлгазилади. Шаҳар, район партия кенгашларида партия ҳужжатларини ёзишга тажрибали, саводхон ҳамда хуснихати равон бўлган кишилар жалб этилган. Ҳужжат тўлдириш ишлари анча масъулиятли бўлиб, уларни тўлдиришда ёзилганларни қайта тўғрилаш, ўчириб ёзишларга йўл қўйилмайди. Партия ҳужжатлари тўлдирилгандан кейин Ўзбекистон ХДП аъзоси унинг матни билан танишиб чиқади ва ушбу ёзувнинг тўғрилигини ўз имзоси билан тасдиқлайди.

— Билетларнинг топширилиши қандай ташкил этилади?

— Партия билетлари ҳам район, шаҳар кенгашларида, шунингдек ҳам бевосита меҳнат жамоаларида партия аъзолари учун қулай бўлган бир пайтда топширилади. Йирик меҳнат жамоаларида эса бу ишни цех, бригада ва участкалар бўйича ҳам ташкил этиш мумкин.

Ушбу маросим энг ҳаяжонли лаҳзадир. Шу боис у ўзининг мазмундорлиги билан ҳам ажралиб туриши керак. Билетларни топшириш чоғида шаҳар, район партия кенгашлари котиблари, бошланғич партия ташкилоти котибларининг иштирок этишлари, омма орасида обрў ва таъсирга эга бўлган Ўзбекистон ХДП аъзоларининг, фахрийларнинг чиқишларини уюштириш мазкур маросимнинг янада таъсирчан ва ҳаяжонли ўтишини таъминлайди. Бу йиғилишларда партия аъзоларининг ва партия ташкилотларининг фаолияти сиёсий баҳоланиб, аниқ партиявий топшириқлар берилади.

— Ўзбекистон ХДП аъзолари ўртасида ногиронлар, ҳаста бўлган кишилар ҳам бор. Бундай кишиларга партия билетини топшириш тартиби ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Партия билетларини топшириш маросими бу борада ҳам ташкилий жиҳатдан пухта ўтказилиши керак. Шундай кишиларга Ўзбекистон ХДП вилоят, шаҳар, район кенгашларининг котиблари, сайлаб қўйиладиган органлари орасида таниқли кишилар, уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида гуруҳлар тузилиб, улар ногирон хасталарга билетларини партия аъзосининг турар жойи ёки даволанаётган ерида топширадилар.

Партия билетларини топшириш биз учун жиддий бир имтиҳон. Биз бу синовга пухта тайёргарлик кўриб келган фидойи кишиларни маънавий жиҳатдан рағбатлантиришни мўлжаллаяпмиз. Масалан, вилоятимизда, Ўзбекистон ХДПнинг ташкилий даврида аҳолида фаоллик кўрсатган кишиларга, баъзи ташкилотлар, меҳнат жамоаларига биринчи навбатда партия билетини топшириш кўзда тутилмоқда.

— Партия билетларини топшириш ишлари якунлангач, сизнингча вилоят кенгаши нималарга аҳамият бериши керак?

— Биз шу пайтгача асосан ички партиявий ишлар билан шуғулланиб келдик. Бу ташкилий даврнинг талаби эди. Энди вилоят, шаҳар, район кенгашлари, партия ташкилотлари бевосита Ўзбекистон ХДПнинг дастурий мақсадларини амалга ошириш, яъни ўз фаолиятини ички партиявий ишлар билан бир қаторда жойларда партия сиёсатини бажаришга қаратиши зарур бўлади.

САФЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Бу районда Ўзбекистон Халқ демократик партияси сиёсатини изчил амалга ошириш борасида унинг аъзолари мунтазам фаолият кўрсатишмоқда. Маълумки, ҳар қандай партиянинг мавқеи, обрў-эътибори унинг ишидаги самара билан белгиланади. Шу жиҳатдан олганда, мазкур ташкилотда кишилар орасида қадр-қимматни ошириш, меҳнатни ташкил эта билиш, кексаларга, ногиронларга, пенсионерларга ёрдам кўрсатиш соҳасида Халқ демократик партияси аъзоларининг хизмати ойма-ой сезилиб бораётир. Шундан бўлса керак, Тошкент район ХДП кенгаши сафи ҳам мустаҳкамланмоқда.

Яқинда райондаги Муқимий номли 10-мактаб ўқитувчиларидан бир гуруҳи ХДП сафига ўтдилар. Улар Абдураҳмонов номли жамоа хўжалиги партия ташкилоти ҳисобида туришади.

Бир йиғилишда 17 нафар муаллимнинг қабул қилиниши бундай қараганда яна мавсумийликка ўхшаб туюлади. Лекин уларнинг ишлари билан танишган киши бу фикр нотўғри эканлигига ишонч ҳосил қилади.

— Ўқитувчиларнинг бу ташаббуси тасодифий эмас, — дейди Ўзбекистон ХДП Тошкент район Кенгашининг биринчи котиби К. Ғофуров, — балки ҳаётий заруратдир. Бундай ҳаракат бошқа мактабларимизда ҳам бўлаяпти. Масалан, 5-мактабда 10 киши партия сафига қабул қилинди. 7-, 9-, 11-, 18-, 19-, 25-мактабларда ҳам кўплаб ўқитувчилар Халқ демократик партияси сафида бўлишга ҳозиҳиш билдирдилар.

Хўш, биз бунга қандай эришяпмиз? Жойларда партиямизнинг мақсадларини тушунтираяпмиз. Оилалардаги муаммоларни ҳал этишда кўмаклашиб, партиямиз қадр-қимматини амалда исботлаяпмиз. Мактаблардаги мавжуд шарт-шароитни яхшилашга ҳаракат қилаяпмиз. Ҳокимлик билан келишган ҳолда мактабларни тўлиқ ремонт қилиш тадбирларини ишлаб чиқдик. Айрим жамоаларда намунали ишлаётган бошланғич синф ўқитувчиларига қўшимча маош белгиланган. Бундан ташқари, ўқитувчиларга қўшимча маош — ёрдам пули, ўқувчиларга эса 10—25 сўм миқдорида стипендия берилмоқда, 296 ўқитувчига ер участкаси берилди, ўқитувчилар ҳокимлик томонидан 2 марта озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминланди. Хуллас, ўқитувчига ғамхўрлик кўрсатишни кучайтириш диққат марказимизда. Ўқитувчилар ҳам ўз навбатида бизга кўмаклашишмоқда. Партиямиз олиб бораётган сиёсатини халққа тушунтириш, ғояларини амалга оширишда уларнинг куч ва имкониятларидан фойдаланаяпмиз.

Бу ўринда бир нарса ҳақида алоҳида мулоҳаза юритмасак бўлмайди. Чунки кўп нарса инсоннинг эътиқодига бориб тақалади. Халқимиз сиёсий жабҳада ҳам эминэркинликка эришди. Бугун унга эътиқодни юқоридан зўрлаб сингдириш ёки ички эътиқодини сўндиришга мажбурлаб бўлмайди.

Президентнинг мактабларни партия ташкилотидан ҳоли этиш тўғрисидаги фармойиши борлиги барчага равшан. Лекин шу нарса таажжубланарлики жойларда ушбу фармоннинг моҳияти баъзи ҳолларда бузиб талқин этилмоқда. Ҳолбуки, ушбу фармонда ўқитувчиларнинг партия сафига кириш-кирмаслиги таъқиқланган эмас. Фақат мактабларда партия ташкилотининг тузилиши таъқиқланган. Шу сабабли партия аъзолари бўлган ўқитувчилар ўз ҳоҳишига кўра ишлаб чиқаришдаги ёки ҳудудий партия ташкилотида ҳисобда туриб иш олиб боряпти.

Юзаки қараганда ўқитувчиларнинг партия сафига киришлари кимларнидир ташвишлантиргандек, гўё бу билан ўқитувчиларнинг дарслари қолиб кетадигандек, партия аъзоси бўлиш муаллимнинг ўз ишига ҳалақит берадигандек туюлади. Лекин аслида-чи?..

Фуқароларнинг сиёсий эркинликлари эътироф этилган бир шароитда уларнинг эътиқодини юқоридан кўрсатма, буйруқ бериш билан бошқариб бўладими?

Эътиқод шундай бир нарсаки, уни бирон бир кишига мажбуран сингдириб бўлмайди. Эътиқод қўйиш учун одамда ички бир ишонч бўлмоғи лозим. Ишонч билан қўйилган эътиқод мустаҳкам бўлади. Кимнинг қайси партияга кириш-кирмаслиги ўз инон-ихтиёрида, яъни мажбурий эмас. Бинобарин, партия сафига кириш бугунги кунда унинг аъзосига бирорта имтиёз бермайди, балки давр олдидаги масъулиятини оширади, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини талаб қилади, лекин одамнинг ишига ҳалал бермайди. Эл-юртга нафим тегмоқ ва кўпроқ тегсин деган киши партия сафига кириб ўзини халққа фидо қилишга тайёр эканлигини билдирмоқда. Шундай маънавий ўзгаришнинг «жамият гули» бўлган зиёли — ўқитувчилар руҳиятида содир бўлаётганлиги қонуний бир ҳолат. Демак, зиёлининг бир қисми иккиланиб сиёсатдан четда турган бўлса, бир қисми жамиятда рўй бераётган инқилобий жараённи чуқур ҳис этиб, уни тезлаштиришга ҳисса қўшмоқда.

А. ТУРСУНОВ.

ХАЙРЛИ ИШГА БОШ-ҚОШ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қуйи Чирчиқ ноҳия Кенгаши аъзолари сўнгги ойлар ичида бир қанча хайрли ишларни амалга оширдилар.

Жумладан, уларнинг ташаббуси билан умумхалқ ҳашари уюштирилди. Бу ишда турли миллат вакилларидан иборат 41.750 нафар киши иштирок этди. Ҳашарда улар асосий эътиборни ҳудудларни ободонлаштиришга қаратишди.

Умумхалқ ҳашарида ноҳиянинг хўжалик, корхона, ташкилот ва муассасалари маблағига жами 35 минг сўм пул тушди. Албатта, булар ишчиларнинг манфаатдорлиги йўлига сарф қилинади.

Районда хайрия жамғармаси ҳам мавжуд. Унга ҳар бир жамоа хўжалиги ўз имкониятига қараб пул ўтказди. Жумладан, «Ўзбекистон беш йиллиги» шўро хўжалиги 45 минг, «Коммунизм тонги» жамоа хўжалиги 30 минг, Киров номли жамоа хўжалиги 30 минг, ноҳия марказий касалхонаси ва «Ўзбекистон 5 йиллиги» номли пахта тозалаш заводлари меҳнат жамоалари эса 20 минг сўмдан пул ўтказишиб, баракани ҳисса қўшдилар. Ҳайрия жамғармасига тушган маблағ халқ манфаати учун сарфланмоқда. Ноҳиядаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ногиронларнинг, хуллас иқтисодий жиҳатдан кўпроқ қийналаётган 600 оиланинг ҳар бирига 100 сўмдан жами 60 минг сўм пул моддий ёрдам сифатида тарқатилди.

М. МАҲМУДОВА.

МУНОСИБЛАР ҲИСОБИГА

Сўнгги пайтларда ЎзХДП Оҳангарон район Кенгаши партия сафига энг муносиб кишиларни қабул қилиш борасида самарали тадбирлар белгилади. Бунда ариза берувчиларнинг фақат ишлаб чиқариш ёки хизмат соҳасидаги ишчанлик фазилатларигина эмас, жамоат жойларидаги, оиладаги мавқелари ҳам инобатга олинмоқда.

Яқинда ана шундайлардан бир гуруҳи партия сафига қабул қилинди. Улар орасида район ҳокимлиги ходимлари Я. Бобақулов, С. Юсупов, Х. Назмиддинов, Ш. Мадраҳимовлар ҳам бор.

Ф. ПАРДАЕВ.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ҚАЕРДА ҚАТЛ ЭТИЛГАН?

БУ САВОЛГА ЖАВОБ ИЗЛАЁТГАН ПРОФЕССОР СОБИР МИРВАЛИЕВ БИЛАН МУЛОҚОТ

ҲОЗИР шахсга сиғиниш ва қатағон даврининг қурбонлари — халқимизнинг истеъдодли шоир, ёзувчи ва алломалари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Отажон Ҳошим, Элбек, Усмон Носир кабиларнинг ҳаёти ҳамда ижодий фаолиятига доир мақолалар матбуот саҳифаларида бирин-кетин босилаяпти. Бу — мустақиллик, ошкоралик ва демократия даврининг шарофати, албатта. Зеро, ўзининг бутун умрини Ўзбекистоннинг истиқлоли, халқимизнинг эркли ва озодлиги, бахтли келажаги йўлида жон фидо қилганларни ёдга олиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти ўзбек адабиёти кафедрасининг мудири, филология фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Собир МИРВАЛИЕВ ҳам ана шу эзгу ва савоб ишга ҳисса қўшиш мақсадида анча вақтдан буён Абдулла Қодирийнинг қаерда қатл этилиб, қаерга дафн қилинганлигини аниқлаш устида изланиш олиб бормоқда. Яқинда биз таниқли адабиётшунос олим билан учрашиб, ана шу мавзуда суҳбатлашдик.

— Собир ака, биз сизни ўзбек романчилик мактабининг пайдо бўлиш тарихи билан шуғулланган тадқиқотчи, адабиётшуносликка онд 20 га яқин турли китоб ва рисолаларнинг муаллифи ва талабаларга сабоқ бериб келаётган олим сифатида яхши биламиз. Лекин Абдулла Қодирийнинг фожиали тақдирини аниқлаш мақсадида бу қадар фидойилик билан изланиш олиб бораётганлигингизнинг боиси нимада?

— Бу саволингизга батафсилроқ жавоб берсам. Ҳозирги вақтда улуғ адиб Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодини ўрганувчи махсус қодиршунослик деган фан тармоғи пайдо бўлиб, у адабиётшунослигимизнинг узвий бир қисмига айланиб бормоқда. Шу маънода қодиршунослик тарихини кўздан кечирадиган бўлсак, у анча бой, ранг-баранг, айни чоғда ўта мураккаб ва баҳсли ҳамдир. Бизнингча, бунинг икки сабаби борга ўхшайди. Биринчидан, ёзувчи шахси ва тақдирининг фожиавийлигида бўлса, иккинчидан, адиб ижоди эски дунёдан янги дунёга ўтиш даврининг — мураккаб бир даврнинг маҳсули эканлигидадир.

Агар биз ёзувчи шахсининг фожиавийлиги ва унинг адиб таржимаи ҳолига таъсири ҳақида гапирмоқчи бўлсак, маълумки, аввалларидан Абдулла Қодирийнинг таваллуд йили гоҳ 1896, гоҳ 1897 деб келинган бўлса, кейинги йилларда у 1894 йил 10 апрелда Тошкентда туғилган деган муқим бир хулосага келинди. Афсуски, адибнинг вафоти қатағонлик даври фожиаларига туташ бўлганлигидан қачон, қайси йили ва қаерда ҳаётдан кўз юмганлиги яқин-яқингача мавҳум эди. Баъзи адабиётларда 1944, баъзиларда эса 1940 ёки 1939 йил деб кўрсатиб келинарди. Кекса зиёли Сулаймон Азимовнинг қайд этишича, ҳатто уни Сибирда тутқунгоҳларда кўрганлар ҳам бор бўлганлиги ҳақида фикрлар йўқ эмас. Худди шундай чалкашлик Фитрат ва Чўлпон таржимаи ҳолида ҳам яқингача давом этди.

Эндиликда мустақиллик ва ошкоралик шарофати билан Давлат Хавфсизлик Қўмитасидаги «сирли сандиқ»лардаги ҳужжатлардан фойдаланиш имконияти пайдо бўлгач, Абдулла Қодирийнинг вафоти 1938 йилнинг 5 октябри деб тайин этилди. Шунга қарамай адибнинг ҳаёт йўли — таржимаи ҳолига оид яна бир муҳим масала муаммо бўлиб келмоқда. Бу ҳам бўлса Қодирий қаерда отилганлиги ва ҳокитупроғи қаерда деган масаладир. Мавжуд илмий-оммавий адабиётларда бу ҳақда ҳам куни кечагача бир-бирига зид фикрлар билдириб келинди. Аммо мазкур тойфадаги қарашлар ва ҳужжатларда Абдулла Қодирий 1937 йил 31 декабрда ҳибсга олиниб, 1938 йил 5 октябрда Тошкентда (баъзилар айтганидек Сибирда эмас!) отилганлигининг аниқланиши муҳим воқеа бўлди. Бироқ буюк адиб қатл этилган йил, ой ва кун маълум бўлса ҳам, у Тошкентнинг қайси ерида отилганлиги муаммолигича қолиб келди. Минг шукрки, эндиликда Фитрат, Чўлпон ва Абдулла Қодирий каби қатағон даври қурбонлари ҳақида ҳам бор гапни айтадиган ва ёзадиган замон келди. Шу жиҳатдан олиб қараганда «Шарқ юлдузи» журналининг 1991 йил 5—6-сонларида Набижон Боқийнинг «Қатлнома» ҳужжатли қиссасининг эълон қилиниши жамоатчилик ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, 1992 йил 10 апрелда олинган жаҳоннинг «Тошкент» студияси томонидан намойиш этилган «Руҳ» номли ҳужжатли фильмда ҳам (Ўзбекистон ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар студияси маҳсулоти, режиссёр Баҳодир Музаффаров, сценарий муаллифи Э. Ҳожиев) Қодирийнинг қатлгоҳи ўша Бўсув бўйидаги Ғалаба боғи ҳудудида, ҳозирги 5-ғишт заводи ўрнида деб тахмин қилинади. Адибнинг набираси Шеркон Қодирий ҳам бу фикрга таяниб, шу ердан бобосининг хокини излайди, ундан намуна ҳам олади... Кўряпмизки, изланишлар давом этмоқда, бироқ ҳали узил-кесил хулосага келингани йўқ.

— Домла, мана сиз ҳам бу борада анча йиллардан буён изланиш олиб бораяпсиз, айтинг-чи, ўзингиз тўплаган далилларга таянib адиб қаерда отилган ва қаерга дафн этилган деб ўйлайсиз?

— Дарҳақиқат, биз ҳам ушбу жумбоқни баҳоли қудрат ечишга бел боғлаганмиз. Сабаби, бу ўта савобли ва хайрли иш. Бу ўз халқи, адабиёти ва адибини севган ҳар бир имонли кишининг виждоний бурчи ҳамдир. Қолаверса, қодирийшуносликда мазкур муаммони ҳал этишга кўмаклашишимиз лозим. Шу мақсадда биз ҳам Тошкент—Черняевка, Юнусобод, Оқтепа, Бўсув атрофларида изланишлар олиб бордик. Кишилардан сўраб-суриштириш ҳамда мавжуд илмий-оммавий ҳужжатларга таяниб иш юритдик.

Шукрлар бўлсинким, узоқ изланиш ва сўроқ-суриштиришлар зое кетмаганга ўхшайди. Бизга маълум бўлишича, 1930—1934 йилларда Киров (ҳозирги Юнусобод) районининг Ғалаба боғи — Бўсув ҳудуди ҳамда Абразив заводи атрофида бир неча ғишт заводлари қурилиб, атрофдаги тепалик тупроқларидан хом ашё сифатида фойдаланилган. Ўша даврда ўлкамизда қимматчилик эмас, қаҳатчилик ҳукм сурган, Қозоғистоннинг Чимкент ва Сайрам томонларидан юзлаб, ҳатто минглаб иложсиз қолган кишилар мазкур ғишт заводларида ишлаш учун оқиб келишган. Ўша пайтда тирикчилик учун бир бурда нон топиш ҳам амри маҳол эди. Шундай шароитда уларнинг кўплари ўлиб кетган. Бўсув бўйида эгасиз мурдалар ўраларга кўмиб юборилган. Бинобарин кейинчалик Бўсув бўйидан топилган марҳумларнинг бош ва тана суяклари энг аввало, 30-йилларнинг бошидаги қаҳатчилик вабосидан дарак берса, қолаверса, бундай гавжум жойда маҳбусларни отиш мантиқан ҳақиқатга тўғри келмайди. Яна иккинчи мантиқ шундаки, авваллари Бўсув бўйларидан ўтиш билан овлоқ пастбаландликлар ястаниб ётарди. Одамлар ниҳоятда кам бўлиб улар кўпинча баҳордан кузгача дала-ҳовли, боғ-ҳовлиларга ишлаш учун келишган.

Қодирийлар отилган 5 октябргача куз тушиб, кўпчилик шаҳар ҳовлисига кўчиб улгурган, шу боисдан бизнингча, Набижон Боқий ёзганидек, маҳбусларни Черняевкага, ундан ўттиз чақирим нарига олиб бориб қатл этишга ҳеч ҳожат йўқ эди. Бинобарин, бизнинг ота-оналаримиз ва кексаларнинг хотирлашича, Юнусобод ҳамда Юнусобод Оқтепаси (собиқ Қоронкўл тепаликлари атрофида икки жойда одамлар отилган. Оқтепа атрофидаги Қоронкўл тепалиги (ҳозирги Абразив заводи дарвозасидан Юнусободгача ўтадиган кўча ўрни) ўнг бағрида учта ёки тўртта қудуқсимон ўралар бўлиб, айтишларича, кечаси шу ерда кимларнидир отишар экан. Шахсан ўзим ҳам яхши эслайман: ўша 1940—1944 йиллар оралиғида бу жойлар ахлатхона вазифасини бажарарди. Бироқ Абдулла Қодирийларнинг 1938 йилда отилганлиги инобатга олинса, муаммо яна муаммолигича қолади. Нима қилиш керак, кимдан сўраш керак? Шу тариқа суриштириш, изланиш давом этди. Ўйлаб-ўйлаб ана шу Юнусободдан Оқтепагача чўзилиб ётган собиқ Қоронкўл тепалигидан ғишт заводлари учун қачон ва қай миқдорда тупроқ олинганлиги билан қизиқдик. Маълум бўлишича, урушдан кейинги йилларда (тахминан 1947—1958) қарийб ўн йил бу ердан тупроқ қазиб олишган. Бу даврда ўша Бешинчи бошқармага қарашли ғишт заводига дастлаб Алмат ака Ҳусанов, кейин эса Сандумар Ҳикматов, сўнгра Сиддиқ Расулов раҳбарлик қилишган. Лекин уларнинг бирортаси Қоронкўл тепалигидан тупроқ олиш жараёнида «қабристон»га дуч келишмаган. Алмат ака Ҳусанов эса вафот этиб кетган. Ҳўш, нима қилиш керак?

Мен 1950—1956 йилларда турмуш оғир бўлганлиги туфайли кундузи ўқиш имкони йўқлигидан Белинский номидаги давлат педагогика институтининг кечки бўлимида таълим олардим. Кўпинча кечқурунлари ўқишдан қайтаётганда Шивлибувадан (Ғалаба боғи) Оқтепага ёвё келардик. Баъзан тунда тупроқ ташийдиган юк машиналарида уйимизга етиб олардик. Шунда Оқтепа қишлоғидан Ҳусан Тожибоев, Иброҳим Исканда-ров, Собир Туропов, Ҳамдам Мирназаров, Равил Асфандиёров каби юргул йигитлар тупроқ ташийдиган юк машиналарида ишлашарди. Менда ана шу кишилар билан учрашиш ва мулоқот қилиш нияти туғилди. Энг аввал Ҳамдам ака Мирназаров билан кўришдим. Суҳбатимиз давомида баъзи бир «сир»лар очилгандек, ўша Қодирийлар қатл этилган «қабристон» топилгандек бўлди. Бироқ у киши саксон ёки тунда ўтиш ниҳоятда қўрқинчли эди. Айниқса, маҳбусларни ўша Олой бозорининг ўнг бағридаги собиқ «Москва» қамоқхонасидан шаҳар чеккасидаги бу овлоқ ва кимсасиз жойларга келтириб отиш жуда ҳам қулай эди.

— Ҳўш, ана шу собиқ «қабристон»нинг тақдири нима бўлди, у қандай «кашф» этилди?

— Ўша даврда мазкур Қоронкўл тепалигидан ўн йиллаб тупроқ ташилган, ҳозир ҳаёт бўлган кишиларнинг, хусусан, юқорида тилга олинган Ҳусан Тожибоевнинг гувоҳлик беришича, воқеа шундай бўлган экан: 50-йилларнинг баҳорида, аниқроғи, апрель ойининг бошларида ғишт заводлари учун тупроқ олиш навбати мана шу «қабристон» ўрнига келиб тақалган. Шунда ўша ерлик уста Миролим ака Миркомилов (бешик устаси) тупроқ қазиб олаётганларни тўплаб, шу атрофда бир йўла икки «қабристон» чиқиши мумкин, эҳтиёт бўлингларр» деб огоҳлантирган. Ўша куни намозгарга яқин Равил ака Асфандиёров тупроқ тортаётганида бирдан тепалик сурилиб, пастга сувдек оқиб, ўликларнинг саноқсиз бош ва тана суяклари кўзга ташланган. Иккинчи «қабристон» ҳам ёнма-ён бўлиб, у тўрт-беш метр кенглик ва чуқурликда бўлган. Унда ётган деярли ҳамма мурдалар ўз кийимида, тартибсиз, бирининг боши оёқда, иккинчисининг оёғи бошда, ҳудди ўтин тахлангани каби остин-устин бўлган. Ҳатто айтишларича, улар орасида бирорта юпун қийинган ёки кирза этикдаги ҳеч ким учрамаган. Ўликларнинг ҳаммасида бойвачча ва зиёлиларга хос баронас, бекасам ёки мовут чопон, тўн, макентош бўлган. Оёқларида эса амирқон маҳси-калиш, ғардарма, хром, пошнаси баланд этиклар... Оёқларидаги жун пайпоқ ва пайтаваларда ҳам ҳали ўз рангини ўзгартирмаган экан. Афсуски, қуёш нури тегиши билан бу бош—оёқ кийимларнинг ранги дарров ўзгарган, илғаб бўлмас даражада кукун-тупроққа аралашиб кетган. Ҳусан Тожибоевнинг эслашича, бу воқеа 1953 йилнинг 6—7 апрели кунлари содир бўлган. Буни аниқ хотирлаб қолишига сабаб: шу воқеадан бир ой ўтар-ўтмас унинг касбдоши, навқирон йигит Жўра Олимов шу ерда фалокатга учраган — машина тагида қолган.

Биз ўша Жўра Олимовнинг укаси Комилжон билан учрашиш, бу воқеани аниқлаш мақсадида унинг ҳузурига Тошкент районидаги Турғун Мирзаев номли жамоа хўжалигининг бригадири Шукур Маҳкамов билан бирга бордик. Ҳақиқатда Жўра Олимов 1953 йилда 3 май куни фожиага учраб ҳалок бўлган экан. Демак, Абдулла Қодирийлар қатл этилган жой қарийб ўн беш йилдан кейин (1938—1953) очилган. Хўш, бунга яна ким гувоҳлик беради? Юқорида тилга олинган ва шу ерда боғ-ҳовлиси бўлган Миролим Миркомиловнинг гувоҳлик беришича, (у киши 1972 йилда 83 ёшларида вафот этганлар, рафиқалари Каромат ая эса ўтган йили 93 ёшида оламдан ўтган эканлар) ўша 1938 йилнинг даҳшатли октябрь ойларида бу ерга ўнлаб, ҳатто юзлаб маҳбусларни — табаррук одамларни тунги соат ўн иккилардан кейин келтириб отишар экан. Гоҳида бирдан пайдо бўлган йиғисиғи ва оҳи-фарёд Миролим акани уйғотиб юборар, газабини қўзғатар экан. Охири сабри чидаш бермай қоронғуда туриб пахсали девор тешикларидан маҳбусларни кузатар экан. Уларнинг кўплари қатл этилиши олдидан намоз ўқиб олишга ижозат сўраб, бир-бирлари билан сўнгги аҳду паймонлар, армону надоматлар билан видолашишар эканлар. Маълум бўлишича, ҳар бир маҳбус учун икки дона ўқ узилар, бири орқа миядан, иккинчиси орқадан отилар экан. Келтирилган маҳбусларни «тинчитиб» бўлишгач, осмонга қарата яна бир бор ўқ отиб, жўнаб қолишар экан. Миролим ака Миркомилов неча марта ўқ отилганига қараб қанча маҳбус қатл этилганлигини дафтарчасига ёзиб борган экан. Афсуски, ўша қайдлари ҳозирча топилмай турипти. Кароматхон ая ва унинг ўғли Файзулла Миролимовнинг эслашича, ўша машъум куннинг эртасига қотиллар келиб, атрофни кўздан кечирар, одамлардан «кеча тунда нима кўрдинглар, нима эшитдинглар?» деб суриштиришар эканлар. Ҳамма эшитса ҳам, кўрса ҳам қўрқанидан лом-мим демас, улар эса яна янги жиноят изини излаб кетишар экан.

— Ўша топилган маҳбусларнинг тан ва бош суяклари тақдири нима бўлган экан?

— Дўстимиз Ҳусан Тожибоевнинг эслашича, «қабристон» «кашф» этилган 6—7 апрель кунлари Миролим ака Миркомилов, Равил ака Асфандиёровлар қарийб икки кун давомида ўша маҳбусларнинг бош ва тана суякларини авайлаб тупроқдан териб олиб, тўплашган. Сўнгра тиловат ўқитиб, ғишт заводининг ўша вақтдаги раҳбари Алмат ака Ҳусанов бошчилигида жон чиқариб, ҳудойи қилишган. «Қабристон»да қолган хок-тупроқларни йиғиб, катта чуқур кавлаб, ўша ернинг ўзига кўмиб юборишган. Бинобарин айрим кишилар айтганча, адибнинг қони тўкилган хок-тупроқ ғишт заводларига бориб тушмаган, қуйилган ғиштларга аралашиб кетмаган. Ўша «қабристон» «кашф» этилган кун эртасига эса кишилар Миролим ака бошчилигида маслаҳат қилишиб, Ҳусан Тожибоевнинг ТНФ 20—10 сонли юк машинасида Юнусободдаги Оқота (асли Оқил ота) қабристонига (Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли маҳалла атрофида) икки марта — икки машинага ортиб боришган. Афсуски, собиқ ҳайдовчи Ҳусан Тожибоев «ўликларни» олиб боргану орқасига қайтган. Шунинг учун ҳам у марҳумларнинг хоки Оқота қабристонининг қаерига кўмилганини билмайди. Бош бўлиб олиб борган Миролим ака эса вафот этиб кетган. Хўш, нима қилиш керак? Тўғри, улар топилгани билан қайси бош ёки тана суяғи Абдулла Қодирийники, қайси бири Чўлпонники-ю қайсиси Фитратники, ажратиб олиш қийин, албатта. Бироқ уларнинг қаерга кўмилганлигини аниқроқ билганимизда нур устига аъло нур бўларди. Биз Ҳусан Тожибоев билан бирга Оқота қабристонига бордик. Ғ. Абдуллаев номли маҳалладаги жуда кўп кексалар билан суҳбатлашдик. Афсуски, яна ҳеч ким билмайди. Бир томондан ўша 1953 йиллар баҳорида «халқлар отаси» эндигина дафн этилган бўлса ҳам унинг қатағон сиёсати авжида эди. Балки шу туфайли ҳам ҳеч кимга хабар қилинмай гўрков билан Миролим аканинг ўзи чуқур кавлаб кўмиб юборишгандир?! Яна ким билади дейсиз?!

Биз ҳозирги гўрков Қобилжон Юсуповдан сўрасак, у киши бош чайқади, холос. Фақат қабристоннинг ғарб томонида эгасиз гўрлар борлигини, отаси Аҳмад гўрков шундай деганлигини эслади. Ҳа, қарийб қирқ йил бўлибди бу воқеага. Шу даврда гўрков Юсуповларнинг ўзидан уч авлод (Жалил гўрков, Аҳмад гўрков, Қобил гўрков) келиб кетибди, ким ҳам эслади?

Ҳа, биз ажойиб-ғаройиб халқмиз. Бошимизга қанча балолар, туҳматлар, фожиалар ёғилса ҳам, бегуноҳ жувонмарг бўлсак ҳам барибир шукрона қиламиз. Эҳтимол, бу яхши фазилатдир, эҳтимол нуқсондир, билмадим. Аммо маънавияти бутун, имони баланд, виждони пок, озодадахш халқ эканлигимизни, меҳнатсевар, зукко эканлигимизни унутмаслигимиз лозим. Балки ана шу ақли расо халқ бўлганлигимиздан шунчалар озор чекармиз? Лекин барибир бошимиздан ўтган фожиалар қанчалик даҳшатли бўлмасин Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат ва яна ўнлаб, юзлаб буюк алломаларимизнинг қатл этилган жойи топилганидан шукр қилмай иложимиз қанча? Ҳеч бўлмаганда улар қатл этилган жойдан табаррук тупроқ олиб, ёдгорлик яратиш мумкин-ку! Ўша қутлуғ жойга эса бу алломалар фожиасини эслатувчи ёдгорлик-лавҳа ўрнатилса, авлодлар учун яна бир табаррук зиёратгоҳ пайдо бўлармиди? Энг муҳими, бизнинг шикаста қалбимиз оз бўлсада, ором топиб, биз ўзимизнинг улуғ ота-боболаримиз олдидаги қарзимизни баҳоли қудрат узган бўлардик.

Суҳбатни Рустам ҒАНИЕВ олиб борди.

Истибдод қурбонлари изидан

Иван Иванович ПУГАЧЕВ



Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институти Ўрта Осиё филиалининг собиқ директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Иван Иванович Пугачев узоқ давом этган касалликдан сўнг вафот этди.

Иван Ивановичнинг меҳнат фаолияти 1948 йилда бошланган эди. Ўрта Осиё университети биология-тупроқшунослик факультетини тугатгандан сўнг у Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институти Ўрта Осиё филиалининг кичик илмий ходими сифатида илмий ишларини бошлаган эди. У Ўзбекистон Республикасида энг йирик илмий тадқиқот институтининг директоригача бўлган илм кишиси йўлини босиб ўтди.

Унинг раҳбарлигида жамоа Ўрта Осиёдаги ўсимликлар ресурсларини тўплаш, сақлаш ва ўрганиш юзасидан катта иш олиб борди. Кейинги йилларда, экспедиция тадқиқотлари туфайли филиал коллекциясига қишлоқ хўжалик экинларининг 5 мингдан ортиқ маҳаллий навлари ва турли кўринишлари намуналари жалб қилинди. Коллекциялар пухта ўрганилиши туфайли филиал олимлари 60 хилдан ортиқ бошоқли, сабзавот, илдиз мевали ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини яратиш ва районлаштиришга муваффақ бўлдилар.

Филиалнинг юксак илмий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари учун И. И. Пугачев «Шавкатли меҳнати учун» юбилей медали, «Меҳнат Қизил Байроқ», «Ҳурмат белгиси» орденлари, Республика Олий Кенгаши раёсатининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотланган эди. Унга республикада хизмат кўрсатган агроном унвони берилган эди.

Ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти жамоаси институт Ўрта Осиё филиалининг собиқ директори вафоти муносабати билан қайғуради ва марҳумнинг оила аъзолари, яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади. Иван Иванович Пугачевнинг порлоқ хотираси қалбларимизда доимо сақланади.

БИР ГУРУҲ ЎРТОҚЛАРИ.

ФУТБОЛ

ДАНИЯ — ЧЕМПИОН

Оқ кабутар тасвири туширилган ва тепасига «Спорт» — сен тинчлик элчисан» сўзлари ёзилган шиор нафақат бир мамлакат, балки жаҳондаги барча халқларга яхши таниш ва улар бунга амал қиламиз деб ҳаракат қилишади. Лекин минг афсуслар бўлсинки, гоҳида бўлса ҳам спорт снёсат қурбонига айланиб қолади. Ҳа, кури кеча ниҳоясига етган футболчиларнинг Оврўпо биринчилигида Югославия футболчилари ана шу снёсат қурбони бўлишди. Улар Швецияга йўлланма олганликларига қарамай, ҳал қилувчи ўйинларда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этилдилар. Уларнинг ўрнини Дания жамоасига беришди. Деярли жиддий тайёргарлик кўрмаган Дания футболчилари ҳаммани ҳайратда қолдириб қитъа чемпиони бўлдилар. Бу жаҳоннинг етакчи мутахассислари ва мухлисларни ҳайратда қолдирди. Чиндан ҳам миллионлаб футбол мухлислари ғолибни Олмония, Голландия, Англия ва Франция командалари сафидан ахтарган эдилар. Саралаш ўйинларини бирмунча суст, роқ ўтказган Дания футболчилари ярим финалда Голландия футболчиларини доғда қолдириб, ҳал қилувчи ўйинда Олмония жамоасини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, чемпионлик шохсупасига кўтарилдилар. Бу Швецияда ўтган Оврўпо биринчилигининг кутилмаган натижаси бўлди.

ОСИЁ СОВРИНИ УЧУН

Осиё совриниучун Ўзбекистон футболчилари навбатдаги учрашувни дам олиш куни ўз майдонида Туркманистон жамоаси билан ўтказиб, 2:1 ҳисобида ғолиб келдилар. Тўпларни майдон эгаларидан Улуғбек Рўзиметов ва Азамат Абдураимов, меҳмонлардан Виталий Золотухинлар киритди. Республикамиз футболчилари икки ўйиндан сўнг 3 очкога эгалар. Улар навбатдаги учрашувни 16 июлда, сафарда Қозоғистон футболчилари билан ўтказишади.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

ШОШИЛИНЧ ЭЪЛОНЛАР ХИЗМАТИ

УЙИМНИ АЛМАШТИРАМАН

Ангрен шаҳри марказидаги тўрт хонали (ғиштли, учинчи қаватда жойлашган) уйни Тошкент шаҳридаги уч ёки тўрт хонали уйга алмаштираман. Маълумот учун телефон: 69-83-05 (соат 10 дан 18 гача), Аҳмедов Нурилла. Уй сотилиши ҳам мумкин.

СОТИБ ОЛАМАН

Мирзо Улуғбек (собиқ Куйбишев) районида жойлашган тўрт хонали давлат уйини сотиб оламан. (1-, 2-, 3-қаватдан бўлса янада яхши). Телефон: 69-83-05. (соат 10 дан 18 гача) Аҳмедов Нуриллани сўралади.

Тошкент шаҳар, С. Раҳимов районидаги 219-ўрта мактаб томонидан **Собир Зоирович Қорабоев** номига берилган А №: 236431 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар 191-мактаб томонидан Д. П. Трошков номига берилган А № 140503 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«Тижорат ва адолат» рўзномаси жамоаси бош муҳаррир ўринбосари Т. М. Мирҳодиевга акаси **Мирвоҳид МИРҲОДИЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент вилоят матбуот бошқармаси, Ўрта Чирчиқ ноҳияларо босмахонаси ва «Машъал» газетаси жамоалари газета муҳаррири вазифасини бажарувчи С. Абдуллаевга отаси **Убайдулла АБДУЛЛАЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 33-58-85, 32-57-47, 33-79-16, 32-57-48; масъул котиб — 33-48-08, 32-53-53; масъул котиб ўринбосари — 32-57-49, Бўлимлар: шўролар ҳаёти — 33-70-10, 32-57-78; қишлоқ хўжалиги — 32-55-53; саноат, қурилиш ва транспорт — 32-57-49, 33-70-10; ижтимоий масалалар — 32-56-47, 33-40-48; адабиёт ва санъат — 32-57-33; маданият ва миллий қадриятлар — 32-56-45; ёшлар ҳаёти, ахборот ва спорт — 32-55-56, 33-99-15; хатлар ва оммавий ишлар — 33-40-48, 32-56-47; тижорат бўлими — 32-55-56, 33-99-15; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 33-40-48; эълонлар — 32-56-66.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: Г—185. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 21.20. Босишга топширилди — 20.30. 31646 нусха босилди.